

HUQUQ

04

(371)

YURIDIK GAZETA

Yanvar

D.	31	3	10	17	24
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

ОРИПОВ Абдулла — Ўзбекистон Республикаси Езувчилар уюшмасининг раиси

ВОҲИДОВ Эркин Воҳидович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

ЙЎЛДОШЕВ Бехзод Содикович —

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институти директори

КУЧЕРСКИЙ Николай Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

ИНОМОВА Светлана Турсуновна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

УБАЙДУЛЛАЕВ Ботир Хусанович — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси

БОҚИБОЕВ Эркин Жўраевич — Ўзбекистон фохрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси

ШАРИФХЎЖАЕВ Мурод — Тошкент молия институти ректори

УСМОНОВ Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

ОДИЛХЎЖАЕВА Сурайё Маҳмамовна — Тошкент юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси профессори вази фасини бажарувчи

КУЧЕРОВ Вадим Петрович — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бош директори

МУҲИДДИНОВА Фарруҳа Фахриддиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

РАҲМОНҚУЛОВ Мирақбар Ҳожи-

акбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

ХУДАЙБЕРГЕНОВ Турсинхан Айдарович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

РАҲАБОВА Мавжуда Абдуллаевна — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси

САФОЕВ Содиқ Солихович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 24 январ



Ушбу сонда:

Олдини олиш мумкин...



● 2005-ЙИЛ — СИНАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

«Ўйма бозорларни» ким назорат қилади?



● AKS SADO

Халқ меҳри — тенгсиз мукофот



● GURUNG

Гўноҳим нима эди?



● SUD OCHERKI

FARMON VA IJRO

ҚОҶИЛГАННИ СУЯШ ҲАМ ЯХШИЛИК

— Ҳар қандай улғу мақсад йўлида тузилган режа унинг моҳияти ҳаққа қай даражада етиб бориши, шунингдек, ижроси билан қайрилиши.

— Тўғри. Қонун, қарор ёки фармон ҳаётга татбиқ этилмас экан, унинг ҳалқчиллиги қолмайди. Мустақиллик йиллари давлатимиз раҳбари чиқарган амнистия тўғрисидаги фармонлар қонунларимизнинг адолат, инсонпарварлик тамойилларига асосланганини кўрсатади. Уларни ижро этиш юзасидан вилоят прокуратураси томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимизнинг юқоридаги фармоннинг моҳияти ОАВ орқали жамоатчиликка етказилмоқда. Шунингдек, прокуратура ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари ҳамкорликда қорхоналар, маҳалла ва қишлоқларда ўтказилган учрашувларда фуқаролар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда.

— Мазкур фармон қимларга нисбатан қўлланадими?

— Фармон кўчга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганидан қатъи назар Ўзбекистон судлари томонидан судланган шахсларга қўлланади.

— Жиноят содир қилинган

Бағрикенглик, кечиримлилик инсонга хос фазилат. Муборак ҳадисларда шундай талқин бор: «Адашган тўғри йўл кўрсатиб, қоқилганни суяб қўйиш ҳам яхшилик». Ўзбекистон конституцияси қабул қилинганнинг ўн икки йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия ана шундай эзгуликнинг ифодасидир. Жамоатчи мухбиримиз Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Олим Аслонов билан шу мавзуда сўхбатлашди.

мамлакатимиздан ташқарида яшаган, озод этилган сўғ Ўзбекистонда бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган, биринчи марта судланган чет эл фуқароси ҳам фармоннинг 1-моддаси «е» банди таъсир доирасига кирди.

— Фикрингизни тушундим. Аввало уларнинг фуқаролиги миллий паспорт ёки бошқа ҳужжатлар, жумладан, тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий ҳужжатларига биноан аниқланади. Амнистия имкониятидан фойдаланувчи шахснинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда у доимий яшаб келган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ аниқланади. Ўзбекистонда бўлиш учун қонуний асос бўлмаган чет эл фуқаролари фармонга асосан жазодан озод этилган. Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-қарорида

кўрсатилган тартибда мамлакатимиздан чиқариб юборилади.

— Сиз касаллигининг оғир турига қилинган тўғри йўл жазодан озод қилинган шахсларнинг кейинги тақдирини қандай ҳал этилади?

— Айтиш жоизки, мазкур фармоннинг тўлиқ бажарилиши учун нафақат ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлари ходимлари, балки маҳалла-қўй, қўни-қўшни, ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билиши керак. Озодликка чиққан шахс ҳисобга олиниб, лозим бўлса давлат муассасасига жойлаштирилиши, иш билан таъминланishi керак. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ногирон ва кексайиб қолган кишилар қарилар уйига жойлаштирилади. Озод қилинган ўсимиларни ота-онаси, шунингдек, васийлик ва ҳомилийк органларининг назорати-

га топшириш йўлга қўйилди. Зарур ҳолларда улар таълим муассасаларига юборилади. Мослашув марказлари фармон ижроси билан боғлиқ кенг кўламли тадбирлар режасини тузиб, иш олиб бормоқда.

— Фикрингизни мисоллар билан изоҳласангиз.

— 2005 йил 8 январгача вилоятимиз бўйича 597 кишига нисбатан амнистия қўлланди. 570 киши озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтди. 27 нафарининг эса жазо муддати қисқартирилди.

Маълумотларга кўра, вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси томонидан амнистия тўғрисидаги фармонга биноан озодликка чиққан шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 9 000 000 сўмдан ошқ маблағ ажратилган.

Амнистия ҳаёт сўжмоқларида адашган, билиб-билмай жиноятга қўлуриб пушаймон бўлганлар ҳаётини изга солиб олиши учун имкониятдир. Оила чирогини қайта ёққан аёл, ота-онаси бағрига қайтган фарзанд, неваралари қуршовидаги бахтдан сармаст отахонини кўз олдингизга келтиринг-а!

Энди гап шу яхшиликнинг қадрига етишди.

Мохира ШАКАРОВА
сўхбатлашди

HAROMDAN HAZAR

Иш ҳақидан қарздорлик ўткир муаммага айланган. Фарғона фуран бирикмалари заводи, қимбвий толарлар заводи, «Буюк илақ йўли» акционерлик жамияти, Иссиқлик манбаи қорхонаси, Пахта тозалаш заводи маъмуриятлари 87,8 миллион сўмдан 395,6 миллион сўмгача иш ҳақи тўловларини ортага суриб келишган.

ТЎЛОВ
ИНТИЗОМИ
БУЗИЛМАСИН

Йигирмадан зиёд қарздор қорхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари прокуратурага тақлиф қилиниб, муаммонинг ечими ҳақида сўхбатлашилган, қисқа фурсатда 130 миллион сўмдан зиёд иш ҳақи тўланди. Бирок қарздорликни бутунлай бартараф этишга нақд пул етишмаслиги тўсқинлик қилляпти. Чўчки, савдо-сотқ билан шугулланувчилар қўндалик савдо тушумини банкка топширмапти. Хатто, коммунал тўловларни ҳам банкка топширмалик ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, Фарғона иссиқлик манбаи қорхонаси директориси Ю. Качимова 7 ой мобайнида йигилган 5,5 миллион сўм нақд пулни банкка топширмай, ўлаштириб юборган.

Аҳолини табиий газ, электр энергияси, сув билан таъминловчи идоралар ходимлари иши устидан назорат қўйирилганлигини сўғ нақд пул тушуми ортиб, иш ҳақидан қарздорлик қамайишига эришилди. Шаҳримизда иш ҳақидан қарздорлик 1,5 миллиард сўмини ташкил этади. Айни чоғда улғуржи истеъмолчи қорхона, ташкилотлар ва аҳолининг етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва сувдан қарздорлиги сал кам 5 миллиард сўмга етди. Қарзларни ундириш чоралари қўрилмоқда. Қисқа фурсатда ундирилган 45 миллион сўм нақд пул иш ҳақи тўловларига йўналтирилди. Улғуржи истеъмолчи-қорхона ва ташкилотлар эса 30 миллион сўмдан зиёд маблағни газ, сув, электр энергияси таъминоти қорхоналарига ўтказиб беришди.

М. ТЕШАБОВ,
Фарғона шаҳар прокурори

BAĞ RIKENGLİK

2004 йил 1 декабр куни қабул қилинган «Амнистия тўғрисида»ги фармон истиқлол йилларидаги ўн бешинчи амнистия акти бўлиб, кўплаб адашган, жиноятга билиб-билмай қўлуриб қўйган юртдошларимиз учун жамиятга қайтишга, ҳаётларини яна изга тушириб олишига берилган яна бир имкониятдир. Айниқса, балоғатга етмай туриб жиноят кўчасига кириб қолган ўспиринларни бу йўлдан қайтариб, ҳалол меҳнат, осуда ҳаёт сари йўллашда муҳим аҳамиятга эга.

БОЛАННИНГ
БЕГОНАСИ ЙЎҚ

Инсон ҳаётининг ўспиринлик палласи хою ҳаваслар, чексиз орзулар қуршовида кечади. Балоғат остонасидаги ўспиринга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига уни ўз ҳолга ташлаб қўйиш жиноятга етаклаш билан баробардир. Носоголом муҳит, эътиборсизлик оқибатида жиноятга қўлуриб қўйишга жазо бериш, унга танбех бериш ҳаммининг қўлидан келади. Шундай бўлиши ҳам керак. Лекин уни кечира билиш, хатони тақорламамаслик учун шароит яратиш жудаая зарур. Бундай ўсимилар онгиде жиноят жазосиз қолмаслиги, ҳалол яшаш энг олий бахт эканлигини англаган боланининг эртасидан умид қилса бўлади.

Шу маънода, ўткинчи ҳаваслар дардида жиноят содир этган ўсимирни жазога тортайди, уни кечирини инсонпарварлик намунаси десак хато бўлмайди.

Вояга етмаган Рафазл Хуснитдинов ва Рустам Уринбоевлар иши бўйича буни таҳлил этиб кўрайлик. Ангрэн шаҳрида яшовчи бу икки ўспирин мўмай пул топиш дардида Е.Каюпова тегишли гаражга ўғирликка тушадилар. Аслида уларни гараждаги «Урал» ва «Ком» русумли велосипедларга «ишқи» тушганди. Икковлон гапни бир ерга қўйиб, тунги 12 ларда гаражга ўғиринча кириб, икки велосипед, электр дрел ва бошқа нарсаларни ўзлари билан олиб кетишди. Қўрилган тезкор чоралар натижада «ўғиргина болалар» қўлга тушди.

Ангрэн шаҳар жиноят ишлари бўйича судида мазкур иш қўриб чиқилди. Ҳар икки айбланувчининг қилмишидан астойдил пушаймонлиги, илгари судланганлиги ва бир қанча бошқа ҳолатлар эътиборга олинди, суд уларга нисбатан амнистия қўллади.

Мухими Р.Хуснитдинов ва Р.Уринбоевлар жиноятга жазо муқаррарлигини, амнистиянинг қўлланилишини эса ўзларига берилган имконият эканлигини тушунишди.

Шу ўринда яна бир гап: болалар, ўспиринлар тақдирини учун биз катталар жавобгар эканлигимизни унутмайлик. Эътиборсизлик, хатти-ҳаракатидан, ўзини туттишдан хабарсиз қолиш, уларнинг келажагини бой бериш билан баробардир. Зеро, болаларнинг беғонаси бўлмайди.

Зафаржон МИРЗАРАҲИМОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

MUNOSABAT



Демократик жамиятни қонунлар бошқаради. Қонунларни эса депутатлар тайёрлайди, тасдиқлайди ва ҳаётга жорий этади. Демак, жамиятнинг тақдирини қонунларнинг қай даражада мукамаллигига ҳам боғлиқ.

ХАЛҚ
ОРЗУСИДАГИ СЕНАТ

Мамлакатимиз-

да бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбир — икки палатали парламентга сайлов жамиятимизни демократлаштириш сари ташланган яна бир дадил қадам бўлди. Сайланган депутатларнинг профессионал таркиби қабул қилинажак қонунлар сифатида таъсир этиши аниқ. Эндилликда, ҳар битта қонун устида узок муддат ишлаш, муҳокама қилиш имконияти юзга чиқмоқда.

Шу кеча-кундузда оддий қишлоқ фуқароси ҳам «парламент», «сенат» сингари ҳуқуқий ибораларни тез-тез тилга оладиган бўлди. Бу эса ўз-ўзидан фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ошаётганидан далолат. Қолаверса, бугунги фуқаро сессияларда қўрилаётган масалаларни қўл кўтариб маълумлаб ёки мудрок босиб ўтирадиган депутатни эмас, ақлидрок билан қонунчилик раванки йўлида тер туқадиган ҳақиқий парламент аъзосини кўришни истайдим.

Қуни кеча маҳаллий кенгаш депутатлари орасидан сенат аъзоларини сайлаш жараёни ниҳоясига етиб, уларнинг

сенат президент томонидан тайинланган ҳама аъзолари рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Улар орасида барча ижтимоий қатламларнинг вакиллари бор. Сенаторларнинг 89 фоизи ўзбеклар, 11 фоизи қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қозоқлар, украинлар, корейслар эканлиги ҳам қўрилмавлли мамлакатимизда барча халқларга етарли даражада эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, фидойи меҳнати билан эл назарига тушган сенаторлардан умиди катта.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши унда қабул қилинажак қонунларнинг мукамаллиги ва халқимизнинг фаровон турмуши, эл-юрт ободлиги йўлида хизмат қилиши учун замин яратадиган дея ишонч билдириш мумкин.

Ихтиёр ЖУМАГАЛИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи

HAR KIMKI YOMON BO'LSA...

ЖОҶИЛНИНГ ЖАЗАВАСИ

Абдумутал маҳалладошлари кўз ўнгида кўча чанги тўсиб. Безорилик қилмаган кун камдан-кам бўларди. Унинг лақабини ҳам билиб қўйишган: «Мутал кашка». Қўни-қўшилари, ота-онанинг ўғити насихатларини сариқ қақага ҳам илмади. Мактабини ҳам битирмади, ишга жойлашгани эса ўйламасди ҳам.

— Жон болам, нега юзимизни шувит қилдинг? — дея ҳар гал онаси сўраганида, у парво қилмай бамайлихотирлик билан:

— Менинг йўлим бошқа, — деб кўярди. — Ҳали кўраимиз, ким ҳақ бўлиб чиқади. Мен йирик бизнесчи бўламан.

Йирик бизнесчининг оддий-тадбиркордан етишиб чиқишини у хаёлида ҳам ўйлаб кўрмаган. Нуқул дайдилик, бефойда ўёқдан-бўёққа сангш билан ёшлик дамларини совурарди. Бора-бора маҳалла аҳли у билан салом-алиқ қилмай қўйди. Ҳамма ундан безганди. Шу боис эл назаридан қолди. Бошқа

ғузрлардан ўзига ўхшаш такасалтангар билан дўст тутинди. Кундузлари уни бу ерда ҳеч ким кўрмади. Кечалари эса ҳар галгидек сайрга отланарди. Эрталаб маст-аласт, дарвозани аранг очиб уйига қайиб келарди. Уйда ҳар икки гапнинг бирида «Энди кўчиб кетаман. Россияда мени иш қутапта» деб кўярди. Қани энди у гапида туриб, ўша пайт кўчини кўтарган бўлса... Бу фожеага ўрин ҳам қолмасди...

Уша кун пешинда аранг ўрнидан турди. Кечаси билан бўлган ичкиликкозликдан боши тарс ёрилай дерди. Уйдан ярим шиша арок топиб ичди. Кийини кўчага чиқди. Шу маҳал кўзига кўринган қўшнингнинг вояга етмаган қизи ваҳшийлик қўрбонига айланди...

Қотил содир этган жиноятини яшириш ва жазодан қуттилиш мақсадида мурдани қонга солиб, маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи ариқча чўктириб юборди. Жиноятчи шу кун қўлга олинди.

Суд қотили 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.
А. БОЛТАЕВ,
Навий шаҳар прокурори

● Javob

Vaziyat oydinlashdi

«Нуқуқ» газетасининг 2004 йил 10 ноябрдаги «Ижрочи ижро этмади» сарлавҳали мақола Адлия вазирлигининг Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ўрганиб чиқилди.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2003 йил 1 апрелдаги қарорига қарздор Б.Каримовнинг мол-мулкдан «Хўжайкон туз» АЖ фойдасига 24.300.000 сўм ундириш кўрсатилган. Ижро ҳужжати департаментнинг Сурхондарё вилоят бўлими иш юритувига 2003 йил 9 апрел куни келиб тушган.

Худудий бўлим катта инспектори 9 апрел куни қарздорнинг «Вакт» миллий депозитарийси Сурхондарё вилоят шўба қорхонасида сақланаётган номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган 4536 донна оддий акциясини рўйхатга олган. Бундан ташқари қарздорнинг 24.400.000 сўмлик мол-мулки ҳам хатланиб, сақлаш учун қарздорда қолдирилган.

«Хўжайкон туз» АЖ раҳбари Р.Кенжаев ва бош ҳисобчи К.Холмуродовлар 2003 йил 11 август куни хат орқали департаментнинг худудий бўлимига мурожаат қилиб, қарздор 12.700.000 сўм тулаганлигини, 14 августдаги хат билан 24.300.000 сўмлик мол-мулкни қарз эвазига қабул қилганликларини билдирган.

Шунингдек, АЖ раҳбарлари 28 август куни департаментнинг худудий бўлимига хат билан мурожаат қилиб, қарздор 20.500.000 сўмни мол-мулки ҳисобидан қоплаганини ва қолган қарз суммаси 3.800.000 сўмни ташкил этишини маълум қилган.


Ишни ташкил этишда йўлқўйган камчиликлари учун департаментнинг Сурхондарё вилояти бўлими бош инспектори Ш.Кичкилов ва катта инспектор Т.Қорабоевларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланган.

Қарздор Б.Каримовдан қолган қарзни ундириш ҳақидаги ҳужжатлар қайта ижрога топширилган тақдирда ижрочи таъминлаш чоралари кўрилиши ҳақида ундирувчига маълумот берилди.

D.ZOHIDOV,
Adliya vazirligi departamenti bo'lim boshlig'i

P.S. Шунингдек, мазкур мақола юзасидан Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Бойзоқов имзоси билан ҳам жавоб хати олинди. Унда ижрочи амалга оширишда қонуний муддатнинг бузилишига йўл қўйганлиги учун Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси катта ижрочиси Ф.Мамасолиев вазифасидан озод қилинганлиги кўрсатилган.

Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi



PAKAM

Чоршанбадан чоршанбагача тахририят муштарийлардан 34 та мактуб олди.

Yaxshilarning yordami

Шахрисабз туман прокуратураси Темур Малик кўчаси 15-уйда яшовчи Достон Хуррамовнинг «Qolun himoyasida» бирлашган тахририятига ёзган аризасини ўрганиб чиқди.

Аризада Д.Хуррамов 1993 йили туғилган қизи Дилнавоз 2-гурух ногирони эканини, яхши гапира олмаслигини, уни икки йил уйда ўқитганини, ҳозирги кунда мактабда ўқиши учун тумандаги 4-шифохона врачлари маълумотнома бермаганини, бир неча бор туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишига қарамай улар эшитиш аппарати билан таъминламай келаётганлигини билдириб, қизини мактабда ўқитишга ёрдам беришни сўраган.

Текширишда аниқланишича, Қаюмова Дилнавоз 1997 йил 12 сентябрдан буён шифохонанинг сурдолог врачни назоратида турган. Бир неча марта клиник шароитда Тошкентда даволанган. Мутахассис хулосасига ҳамда Халқ таълим вазирлигининг 1994 йил 5 декабрдаги 260-буйруғига асосан махсус мактабда ўқитиш учун тавсия этилган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан ижтимоий таъминот бўлими томонидан Д.Қаюмова ТМЭК хулосасига асосан эшитиш мослашасига муҳтож деб топилди, унга 2004 йил 15 ноябрда ҳомий маблағи ҳисобидан янги эшитиш мослашаси олиб берилди.

Ҳозирги кунда Д.Қаюмова тумандаги Жомий номли ўрта мактабда таҳсил олмақда.

Sh.XURRAMOV,
Shahrisabz tumani prokurori

Tomorqaga muhtoj

Шўрчи тумани Алихон Сафаров номли ширкат хўжалигининг «Зарбдор» маҳалласида яшовчи Мухаррам Элмўминованинг томорқа учун ер сўраб ёзган аризаси мутахассислар томонидан муаллиф иштирокида ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам аризачининг томорқага муҳтожлиги аниқланиб, фуқароларга Ж.Хўжаймиёров номли ширкат хўжалиги Қораарик адиригидан навбатига қараб томорқа ажратиши ва бу масалада у ҳам қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат этиб, хўжалик китобида рўйхатга туриши кераклиги тушунтирилди.

J.XOLMURODOV,
Surxondaryo viloyat hokimining birinchi o'rinbosari

● Taklif

Yangi rukn bo'lsa...

Мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш борасида муҳим қадам ташланди. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига ёш, ташаббускор кишиларнинг сайлангани қонун ижодкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қонунларнинг пишиқ ва пухталиги унинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Парламент сенатини шакллантириш, унинг таркибида фан, таълим, маданият, иқтисод, сиёсат, умуман барча соҳанинг энг билимдон кишилари бўлишига эришилди. Энди уларнинг фаолиятини доимий равишда халқимизга таништириб бориш зарур. «Нуқуқ» — юридик газета. Унда «Парламент ислохоти» деган доимий руки ташкил этилса дейман. Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳафталик иш якунлари, ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳалари, фракциялар фаолияти ундаги мақолаларнинг асоси бўлсин! Ана шунда газетхон, яъни сайловчи парламент фаолияти ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиб боради.

M.SHODMONOVA,
O'zDJTU talabasi



Қорли кунлар ҳам ганимат...

● Dil izhori

E'tibordan mamnunmiz

Биз, прокуратура фахрийлари, доимий равишда эътиборда бўлиб, эъзозланиб келаётганимиз учун Бош прокурор Рашидjon Қодировдан, Республика Бош прокуратураси қошидаги фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларидан бениҳоя ҳурсандимиз. Ҳар бир байрамдан олдин бир пиёла чой устида фахрийларнинг бошини қовуштириб, совға-саломлар билан ҳам моддий, ҳам маънавий маддад бериб келишяпти. Шу баҳона дийдорлашиб, бир-биримизнинг ҳолимиздан хабардор бўлмоқдамиз.

Қўпнинг дуоси қабул бўлади дейишди. Самарқанд вилоят прокуратураси фахрийлари номидан бизга шунчалик ҳурмат кўрсатган ҳамкасбларимизга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, ишларига ривож тилайман. Доимо омон бўлишсин. **Eshniyoz RO'ZIYEV,**
Oqtosh shahri

Anonim ariza

Ургут туман прокуратураи фуқаро Фазили Очиловнинг «Ургут деҳқон бозори» МЧЖ раиси Р.Саидовнинг ноқонуний ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризасини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида Ф.Очилов ушбу аризани ёзмаганлиги ва хатдаги имзо ҳам уники эмаслигини баён қилган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси 3-бандида аризада уни ёзган фуқаронинг исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумот кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумот берилган бўлса, у аноним деб ҳисобланиши ва қўриб чиқилмаслиги кўрсатилганлиги сабабли, ушбу ариза текширилмай қолдирилди.

M.BAHRIDDINOV,
Urgut tumani prokurori

P.S. Бировга тўхмат, ҳасад қилиш энг оғир гуноҳлардан саналади. Бундай қимсаларнинг қилмиши қонунда ҳам, шариатда ҳам қораланади. Шундай экан, «аноним аризачи», сизга айтар сўзимиз, имкон бўлса бировга яхшилик қилинг, бунга иродангиз етмаса, ҳеч бўлмаса шукр қилиб, ҳавас билан яшашни қанда қилманг!

Harakatlar qonuniy

Қорақалпоғистон прокуратураси томонидан Н.Саъдуллаева, Д.Пиржанова ва бошқаларнинг аризаси юзасидан «Тўрткўл деҳқон бозори» МЧЖда текширув ўтказилди.

Туман ҳокимининг 2003 йил 28 августдаги фармойиши билан туман архитектура ва қурилиш бўлими қошидаги архитектура режалаштириш бюросига Тўрткўл туманида қурилган маиший хизмат, умумий оватланиш, савдо шахобчаларининг меъморчилик ва санитария нормаларига амал қилинган реконструкция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қурилиши объект эгалари ҳисобидан амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Натижада ариза муаллифлари ва бошқа савдогарлар билан 2003 йил 8 сентябр куни йиғилиш ўтказилиб, фуқароларнинг ўз хоҳишига кўра, илгариги савдо қилаётган жойларида ҳозирги кун талабига мос равишда махсус, хар томонлама қулайликка эга бўлган савдо ўринларининг қурилишини ҳашар йўли билан олиб бориш белгилаб олинган.

Аризачилар юқоридagi келишувга мувофиқ расталарга эга бўлган.

Текширишда жамият маъмурияти ёки бирон-бир шахс аризачиларга нисбатан ноқонуний ҳаракат қилмаганлиги, улар савдо ўринларидан маҳрум бўлмаганликлари аниқланди.

S.IMATOV,
Qoraqalpog'iston Respublikasi prokurorining o'rinbosari

2005-YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI



Республикамизда аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш мавзусига бағишланган, барча вилоят хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, диний идоралар вакиллари ҳам қатнашаётган тadbир иштирокчиларидан бири сўз олиб:

— Кўрсаткичлардан кейинги ўн уч йил давомида мамлакатимизда оналар ва гўдаклар ўлими икки баробар камайгани жуда қувонарли. Лекин... ҳамон тугрук пайтида она ёки чақалоқ нобуд бўлса, аҳолидан бунинг асил сабабларини яшириш, тиббиёт ходимларининг айбини ошқор қилмаслик ҳоллари учраб туради. Бу ҳам муаммонинг қирқилмаган илдиэларидан бири бўлиб қолмоқда, — деб давра аҳлини муҳокамага тортди.

Одатда бундай пайтда ҳар бир соҳа эгалари ўз ҳамкасбларини оқлашга, улар фаолияти билан боғлиқ бўлган мураккаб жихатларни изоҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қилади. Юқоридagi фикр ўртага ташлангандан кейин ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Кўтилмаганда, узок йиллар республика соғлиқни сақлаш тизимидagi ишлаган шифокор мана бу воқеани ҳикоя қила бошлади:

— Бундан ўн беш йиллар муқаддам Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида она ўлими юз бергани ҳақидаги хабарни эшитганим захоти йўлга чиқдим. Менга у жойлар жуда таниш эди, воқеа содир бўлган қишлоқни аввал билиб олганим учун самолётдан тушдим-у, тўғри ўша хонадонни топиб бордим. Оила аъзоларининг ўзларидан, қўни-қўшни гувоҳлардан ушбу тафсилотни эшитдим: хонадоннинг келини навбатдаги фарзандига ҳомиладор бўлиб, ҳомиладорлик асорат билан кечаётганлигини, шифокорлар томонидан оғохлантирилиб, бер неча марта доволанишга ётиши шартлиги айтилган экан. Лекин пилла курти боқиси мавсуми бўлганлиги учун оила аъзолари бунга руҳсат беришмаган. Шунда шифокорлар оила катталаридан туғиш муддатига бир ҳафта қолганда аёлни шифохонага олиб боришларига сўз олганлар ва ана шу муддат етган кун эрталаб ҳомиладор аёл ўзини анча ёмон ҳис қилаётганини айтган, бошини ювиб, шифохонага олиб бориб қўйишини эридан илтимос қилган. «Сен кетсанг, қўртни қари онам боқадими?» — деб жаҳл қилган эр.

Ховлининг ҳамма уйлари, ҳаттоки айвонлар ҳам рўзгор буюмларидан бўшатилиб, қўрт боқилаётганди...

Ҳомиладор аёл эрига аҳоли-

ОЛДИНИ

ОЛИШ ТУМЖИНИ...

ни тушунтирмакчи бўлган, ялинган. Шунда эр: «Сен ишдан қочиб, бориб шифохонага ётмоқчисан», — деб газаб билан хотинини урган, теган ва аёл айвондаги қўрт сўр тоғининг тагига думалаб кириб кетган. Бу ердан уни ҳеч ким кўтариб ҳам олмаган, ҳомиладор бир амаллар ўрнидан туриб, бурчакдаги жойга зўрга бориб олган. Шунда унга: «Артистлик қилма, барибир сенинг ҳийлангани биланми» қабиллада муомалада бўлишган. Холбуки, ўша лаҳзаларда аёлдан қон кетиб, аҳоли оғирлашиб борган. Унинг ранги рўйидаги ўзгаришдан қайнонаси, эри қўрқиб кетиб «Тез ёрдам» чақирган.

Афсуски, аёл шифохонага ҳам етиб боролмай, йўлда — «Тез ёрдам» машинасида нобуд бўлган...

Воқеани сўзловчи гапининг охирида ҳақли бир савол ташлади: — Тўғри, одамлар орасида айрим шифокорларнинг ҳатоларига қонуний чора қўрилмайди; деганга юради. Лекин нима учун келинининг, хотинининг ҳомиладорлиги оғир асоратлар билан кечаётгани, доволаниши шартлиги ҳақида шифокорлар томонидан жиддий оғохлантирилишига қарамай, бунга йўл қўймаганларга нисбатан чора қўрилмайди, деб ҳеч ким гапирмайди?

Мажлис хонасига оғир жимлик чўқди. Кейин фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Бирок...

Айтайлик, ҳомиладор аёлга тўғри таххис қўймаганлиги (ёки қўя олмаганлиги), бепарволлиги, вазиятни аниқ баҳолай олмаганлиги ва ҳоказолар учун шифокорларни... ёки оиладаги ҳомиладор аёлга гамхўрлик қилмагани, бешафқатлиги, билимсизлиги учун қайнона, қайнота ёки эрни қонун асосида жазолаш қатъий йўлга қўйилса, тиббиёт учун энг оғир муамма — оналар ва болаларнинг бевақт нобуд бўлишининг олдини олиш мумкинми?

Шубҳасиз, ҳаётда адолатнинг устувор бўлиши, айбдорларнинг

шини тайинлагандим, ваъда берганди, яна ўз билганидан қолмабди. Бугун оғир аҳволда келтиришибди. Боласини эсон-омон туғдириб олишибди-ю, ўзи кўп қон йўқотган...

Бу — ўзи тиббиёт соҳасида ишлаётган, айна соҳада анча-мунча билими, тушунчаси бўлган аёл билан бўлган воқеа.

Хоразм вилояти репродуктив саломатлик маркази шифокори Гулнора Вафоева 2003 йилда юз берган бир она ўлими тарихини сўзлаб берганди:

— Оилада уч фарзанд бўлиб, учаласи ҳам қиз. Аёлниң юрак хасталиги борлиги сабабли, шифокорлар унинг яна ҳомиладор бўлиши хавфли эканлигини тушунтиришган, оғохлантиришган. Лекин... аёл тўртинчи ҳомиладан сақланишни истамайди, ўғил фарзанд кўриш ниятида яна ҳомиладор бўлади ва охир оқибатда... бир хонадоннинг одтоби сўнади, қизлар онасиз қоладилар...

Бундай воқеалар эсдан чиқмайди, ўрни келиб қолганда тез-тез тилга олинади. Бирок тиббиёт амалиётида оқибати фожели бўлмаса-да, жуда катта ҳаракатлар, уринишлар эвазига сақлаб қолинган ҳаётлар ҳам оз эмас. Улар шифокорларга, аёлниң ўзи ва боласига, оила аъзоларига қанчалик қийинчилик, изтироб келтирмасин, охири хайр-

нуқтаи назаридан қараганда, бу гапнинг маъноси шуки, ҳомиладор аёлга керакли гамхўрликни, эътиборни, зарур бўлган дори-дармонни имкони борича ўз вақтида қилиш керак. Бошқалар учун арзимагандай туюладиган ҳолат, қисқагина фурсат ҳам ҳомиладор аёл аҳолининг яхшиланишида ёки аксинча бўлишида ҳал қилувчи бўлиб қолиши мумкин. Ахир, соғу саломатлик аввало ҳар биримизнинг ўзимиз учун нечоғли бебаҳо бўлса, уни асраш, қадрлаш ҳам аввало ўзимизга боғлиқ-ку! Айтайлик, менинڭ соғлиғимни ўзимдан ортиқ ким асраши, авайлаши мумкин?!

Статистик маълумотларга қараганда, ҳомиладорлик даври олти ярим минг соатга яқин муддат бўлса, аёл шундан узогги билан ўн соатга яқин вақтни шифокор қабулида ўтказиши мумкин. Демак, ўзининг, туғилажак фарзандининг соғлиги ҳақида аввало, аёл ва унинг атрофидагилари гамхўрлик, ҳушёрлик қилиши керак. Бу билан биз ҳамма ҳомиладор аёллар учун мана шундай хавф бор, демоқчи эмасмиз. Яна статистик маълумотларга мурожаат қиламиз: Ҳомиладорлик 85 фоиз атрофидаги аёлларда тиббий, соғлом, асоратларсиз кечади. Фақат ўн беш фоиз атрофидаги аёлларда ҳомила ва туғруқ жараёнига хавф соладиган

ўз қилмишига яраша баҳо, жазо олиши яна шундай кўнгилсизликлар келиб чиқишининг олдини олиши мумкин...

Олдини олиши мумкин... — нега уч нуқта? Чунки тиббиётда ҳар қандай касалликни даволаш ва асоратининг олдини олиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмай қолиши, беморнинг ҳолати доирасида маълум муддатда даволаш имкони бермаслиги ҳам ҳаётий ҳақиқат.

Навоий вилоятининг Карман тумани туғруқхонасига кириб борганимизда, барча шифокору ҳамшираларининг нигоҳи ташвишли эди. Уч-тўртта оқхалатлилар йўлак охиридаги хонага шошилиб кириб чиқшар, гаплашишга кайфияти, вақтлариям йўқ эди. Бизни у ерга олиб борган туман поликлиникасининг бош шифокори Муқаддам Пўлатова ўша хонага кириб чиққач, алам билан тушунтирди:

— Узимизнинг қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлайдиган аёл. Ҳомиладорлиги анча оғир кечаётганди, неча марта шифохонага ётқизмоқчи бўлдиқ, ҳар хил баҳона-ю сабаблар билан орқага сурди. Уч кунгина аввал ҳам кўчада учратгандим, тезда туғруққа тайёрлаш бўлимига ёти-

ли тугагач, аста-секин ёддан чиқади. Ёддан чиқса-да, ҳомиладорлик ва туғиш пайтидаги касаллик ва етишмовчиликлар она ва бола жисмида, руҳиятида ўз асоратини қолдириши мумкинлиги ҳақида ҳамшираям ўйлайвермаймиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: Хўш, биз учун ҳаётда оналар ва болалар орасида нохуш ҳолатлар бўлмаслиги учун фожеалардан сўнг гуноҳкорларни топиб жазолаш муҳимроқми ёки ҳар бир бўлажак онани ҳомиладорликка соғломлаштириб, ҳомиладорлик пайтида аниқланган айрим касалликларни вақтида даволаб, оғир асоратларнинг олдини олмақ афзалми? Масалага мана шу савол жавобидан келиб чиқиб ёндашмоқ, хулосалар чиқармоқ, тадбирлар белгиламоқ энг тўғри йўл эканлигини англаш қийин эмас.

Фожеа юз бергандан кейин: «Туппа-тузук юрган эди, ўз оёғи билан туғруқхонага келганди» қабилдаги гаплар билан кимларнидир оқлаб, шифокорлардан норозилик билан сўзлайдиганларни, албатта тушуниш мумкин. Бирок халқимизда: «Ҳомиладорлик дардлари кўз оғриғидек гап, кутилмаганда тутиб қолиши мумкин» деган фикр юради. Тиббиёт

асоратлар кузатилади ва худди шу қатлам алоҳида эътиборга, шифокор назорати ва доволанишга муҳтож бўлади. Бугунги кунда барча ҳомиладор аёллар орасидан ана шу хавфли асоратларга мойиллиги бор бўлганларни ажратиб олиб, вақтида малякали тиббий ёрдам қўрсатиш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш — Бехатар оналик дастурининг асосий мақсадларидан бири. Лекин бу мақсадни рўёбга чиқаришда тиббиёт ходимларига яқиндан ёрдам бериши шарт ва мумкин бўлганлар — ҳомиладор аёлнинг ўзи ва унинг яқинлари, оила аъзоларидир.

Ҳар бир инсон, туғилажак фарзанд ҳаёти, соғу саломатлиги давлатнинг, жамиятнинг бебаҳо бойлиги. Зеро, жамият, давлатнинг энг кичик, муқаддас занжирини — оила. Оиладаги ҳар бир катта-ю кичикнинг жисмонан, руҳан соғломлиги — ширин, бахтли ҳаёт пойдевори эканлигини ҳис этмоқликнинг ўзи қанчалар роҳат бахш этади. Бу эса маънавий соғломлик, онгли ҳаёт тарзидан бошланади, иншоолар.

Мухтаром УЛУФ,
Республикада хизмат кўрсатган
маданият ходими



Ўтган йили бўлиб ўтган «Ҳамшира-2004» кўрик танловида Сирдарё вилояти вакили «Энг фаол ҳамшира» номинацияси бўйича голиб бўлди. Бунда албатта вилоят ҳамширалар ассоциацияси раҳбари Тожихон Фафорованинг ўрни катта. Тожихон талабчанлиги, ўз касбининг яхши билимдони ва қобилиятли раҳбар сифатида нафақат вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида балки республика миқёсида ҳам эътибор қозонган.

Суратда: Сирдарё вилояти ҳамширалари етакчиси Тожихон Фафорова (ўртада) ҳамкасблари даврасида. Мухаммад КАРИМ сурати

АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО \ АКС-САДО

Газетамизнинг ўтган йилги 50-сонидан чоп этилган шу номли мақоладан сўнг тахририятга кўплаб мактублар, телефон кўнғирроқлари орқали муносабат билдирилди. Энг ажаблანарлиси, мутасадди идораларнинг бизга йўллаган жавоб хатларида маълум қилинганидек, муаммони ҳал қилиш учун шунча саъй-ҳаракатлар қилинганидан сўнг ҳам пойтахтимизнинг айрим бозорларида «уддабурон» тадбиркорларнинг бозори ҳамон чаққон. Нима ҳам дердик. Муаммо бор, уни бартараф этиш учун ҳали кўп ишларни қилиш керакка ўхшайди. Аммо сиҳат-саломатлик йилида фуқароларимизнинг саломатлигига ҳавф солаётган сифатсиз маҳсулотлар бозорига қарши ҳамжихатликда курашилмас экан, муаммо муаммолиғича қолаверади.

«Ёйма бозорлар»ни ким назорат қилади?

«Ниқуқ», 2004 йил 15 декабрь, 50-сон



РАҚОБАТ ЗАРУР

Мақолани ўқиб, кўнглимдаги фикрларни ёзишга қарор қилдим. Мақола муаллифлари долзарб мавзунини қаламга олишган. Четдан келатган сифатсиз молларнинг кўпайишига, биринчидан, ички бозорларимиз хавфсизлигига масъул шахслар айбдор бўлса, иккинчидан, биз (истеъмолчилар) ҳам бундай олиб-сотарларнинг тегирмониغا сув қуямиз. Арзон деб сифатсиз ичимликни харид қилиб, соғлигимизни ўйламаймиз, натижада уларнинг савдоси яна ҳам авж олади. Назаримда, бу борадаги қонунчиликни кучайтириб, бундай ишларга барҳам бериш йўллари қидириш керак. Маҳаллий товарларнинг четдан келатган маҳсулотлар билан жиддий рақобатга киришиши учун шароит яратиш лозим. Ушундай миллий иқтисодиётимизни ҳимоя қилиш билан бирга, мамлакатимизнинг тайёр маҳсулот экспорт қилиш салоҳиятини ҳам оширишга эришган бўлардик.

Д.АКБАРОВ,
Иқтисодчи

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари томонидан этил спирти ва алкогольли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашда муайян ишлар амалга оширилётган бўлса-да, бу турдаги маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасига тўсиқ қўйилишида камчиликлар мавжуд.

Алоҳида эътибор Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишига қаратилмоқда.

Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида этил спирти ва алкогольли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ қонунбузарликларга қарши кураш борасидаги шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолияти ва бу борадаги прокурор назорати аҳоли умумлаштирилиб, бу масала шаҳар прокуратураси, давлат солиқ ва божхона бошқармаларининг идораларига таълим берилди.

Мажлисда мақолада таъкидланган жойларда ва бошқа қатор кафе, ошхона ва умумий овқатланиш жойларида Қозоғистондан ноқонуний равишда келтирилган «Паида», «Парламент», «Пшеничная», «Родина», «Московская», «Золотой колё», «Русская водка» маркали ҳамда 0,25 литр сигимли «Экстра» ва бошқа маркали ароқ маҳсулотлари яширинча сотилиб келинаётганлиги танқидга олинди, ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўриш мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан талаб қилинган эди.

Ўтган йилнинг 13 декабрига қадар бўлган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида жами бўлиб 1563 та спирт ва алкогольли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш ҳолатлари аниқланган, 1498 та ҳолат юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид, 65 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган. Спиртли маҳсулотларнинг олинган умумий қиймати 132,7 млн. сўмни ташкил этган.

Истеъмолга яроқсизлиги муносабати билан тергов ва суриштирув давомида ваколатли органларнинг қарорлари ҳамда суд ҳукми ва ажримлари асосида йўқ қилинган спирт ва алкогольли маҳсулотлар қиймати 70,6 млн. сўмни ташкил этган.

Этил спирти ва алкогольли маҳсулотларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдога қўйилишига қарши кураш фаолиятига жамоатчилик ва алкогольли маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона мутасаддилари жалб қилинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳудудида этил спирти ва алкогольли маҳсулотларнинг ноқонуний олиб қилиниши ва сотувга чиқарилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда.

Б.ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори

МИС ЭВАЗИГА... «ВОДКА»

Мақола Департамент томонидан ўрганилиб, унда кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар олиб борилаётган.

2004 йилнинг 4 ноябрида мазву бўйича «Уэспиртанот» Акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Қ.Қирғизалиевнинг фотолар ва илова қилинган хати олинди, бу борада жойларда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш юзасидан тегишли тадбирлар ташкил этилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 1364 та қонунбузулиш ҳолати аниқланиб, 432 та жиноят ва 932 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 317,7 млн. сўмлик, жумладан, 45,5 млн. сўмлик чет элга ишлаб чиқарилган акциз марказиз алкогольли маҳсулотлар дилиий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузарлардан республика ҳудудида ноқонуний равишда муомалага киритиш учун ҳужжатларсиз олиб қилинган ва яширин равишда қайта ишлаш учун тайёрланган 23,6 тонна 36,4 млн. сўмлик спирт маҳсулотлари олинган.

Жумладан, Андижон шаҳрида ўтказилган тадбирда фуқаро Қ.Зулунов Қирғизистонда ишлаб чиқарилган, республика ҳудудида айланма йўллар орқали олиб қилинган акциз марказиз 600 шиша «Русская водка» ароғини фуқаро И.Махидовга 555 минг сўмга сотаётганлиги аниқланиб, ароқ дилиий ашё сифатида олиб қўйилган. Қ.Зулуновга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Тошкент вилоятида ўтказилган тадбирда фуқаро А.Абдувалиев бошқарувидаги «КамАЗ» автомашинаси юкхонасида «Матонат» МЧЖда ишлаб чиқарилган акциз марказиз жами 3 млн. 827,1 минг сўмлик вино борлиги аниқланиб, дилиий ашё сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан «Матонат» МЧЖ мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

тан жиноят иши қўзғатилган.

Республика ҳудудидаги, жумладан Тошкент шаҳар буюм ва деҳқон бозорлари, уларнинг атрофида, шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида ноқонуний олиб қилинган, акциз марказиз спиртли ва алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳолатларини аниқлаш борасида олиб қилинган тадбирларда бир қатор қонунбузулиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ҳамза туманидаги «Авиасозлар» бозорида фуқаро М.Аҳмедов чакана савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома олмастан ноқонуний равишда Қозоғистонда ишлаб чиқарилган акциз марказиз 300 минг сўмлик ароқни сотаётган вақтида ушланиб, маҳсулотлар дилиий ашё сифатида олинган.

А.Икромов туман, «Фарход» савдо растаси ёнида ўтказилган тадбирда, фуқаро К.Баҳромов Ш.Тожиёвга 55 кг. мис эвасига, нархи 77.000 сўмлик Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, акциз марказиз «Водка-40», «Божа туту», «Родина» ва «Московская» ароқларини сотаётган вақтида ушланиб, маҳсулотлар дилиий ашё сифатида олинди. К.Баҳромовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

2004 йилнинг 11 ойда 116 та яширин цехлар фаолияти фож этилиб, улардан ноқонуний ишлаб чиқарилган 16,8 млн. сўмлик алкогольли маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариш асбоб ускуналари олинган.

Жумладан, Манганган туманида ашовчи З.Исақов ва А.Алиевлар ўзаро тил бириктиришиб қонунга хилоф равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келишган. А.Алиевнинг уйида ароқ ва вино қўйиш мосламалари, сотувга тайёрланган 432 дона «Ўзбекистон портвейни» вноси, 31 дона «Тонг» ароғи, 125 та «Ўзбекистон портвейни» ёзувли вино ёриқлари, 36 та «Осиё» ароқ ёриқлари, вино, ароқ акциз марказлари ҳамда бошқа асбоб ускуналар дилиий ашё сифатида олинди, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Республика ҳудудида ноқонуний йўллар билан спирт ва алкогольли маҳсулотларни олиб қилиш, ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш ҳолатларига барҳам бериш борасидаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

И.АКЧУРИН,
Республика СВОЖКК
Департаменти бошқаруви
ўринбосари вазифасини бажарувчи

РЕЖАГА КИРИТИЛДИ

Давлат божхона қўмитаси шахсий таркиби томонидан «Ёйма бозорлар»ни ким назорат қилади?» сарлавҳали мақоласи муҳоказма қилинди.

Унда кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Давлат божхона қўмитаси томонидан маълум даражада ишлар амалга оширилган. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудидаги спирт, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний кириб келишининг олдини олиш мақсадида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган лозим бўлган дастур ишлаб чиқилди.

Ҳозирда Ўзбекистон божхона чегараси орқали ўтаётган жами 820 та айланма йўллар мавжуд бўлиб, улардан 95 тасига тўсиқлар ўрнатилган, 442 таси казиб ташланиб, чегарадаги 46 та кўприк олиб ташланган. Тўлиқ беркитишнинг имкони йўқ айланма йўллар сони 283 тани ташкил этади.

Шунга қарамай, божхона чегараларидан спирт ва алкоголь маҳсулотларини ноқонуний равишда олиб ўтишда 3429 та ҳолат аниқланган бўлиб, улар бўйича ушланган маҳсулотларнинг умумий қиймати 246,6 млн. сўмни, миқдори эса 158,2 минг литрни ташкил этади.

Тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишда 1336 та ҳолат аниқланиб, ушланган маҳсулотларнинг умумий қиймати 348,2 млн. сўмни, миқдори эса 1 млн. 45 минг 605 кутини ташкил этади.

Аниқланган ҳолатларнинг 495 таси бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, қолган ҳолатлар бўйича маъмурий тартибда ишлар юритилган.

Бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш қўмитанинг 2005 йилги иш режасига киритилган.

Х.СЕРИКБОВ,
Республика божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

Долзарб муаммо кўтарилган

Ушбу мақола кўпчилик қатори мени ҳам ўйлатиб қўйди. Мамлакатимизда спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш давлат монополиясига олинган бир пайтда, қўшни давлатдан кириб келатган бундай сифатсиз маҳсулотлар фуқароларимиз соғлигига зарар етказиб қўйганлиги нәҳот тушуниб етмасак. Энг ачинарлиси, маҳсулотларни четдан олиб келишга ўриниш ўз ҳамюртларимиз томонидан содир этилаётганлигидир. Бундай «диверсия» қаттиқ қораланиши лозим; деб ўйлайман. Мақола эълон қилинган, энди бу борадаги муаммолар барҳам топиб, сифатсиз спиртли маҳсулотлар келтириш тўхтайдиган, деб ўйлагандим. Аммо, орадан қарийб бир ойдан ошдик вақт ўтган бўлса-да, ҳамон

кўчаларда, ер ости ўтиш жойларида, бозорларда сифатсиз спиртли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳоллари учрамоқда. Ажабланирлиси, ҳоҳида айрим ИИБ ходимлари бу ҳолатни кўриб туриб, ҳудуди «тадбиркор»лар билан келишиб олгандек безэтибор бўлмоқда. Қўшни давлатда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш давлат назоратида эмаслиги муаммони бундан кейин ҳам кескинлаштиравереди. Демак, унга қарши курашни сусайтирмаслигимиз зарур. Газета бундан кейин ҳам ана шундай ўткир, муаммолар мақолалари билан чиқиш қўлаверсин!

Асатилла НЕЪМАТОВ,
Чиноз тумани

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятдан



Паркент туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ва туман солиқ инспекцияси ходимлари навбатдаги рейд олдидан

ХАЛҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

қилиб олган тadbиркорлар ҳам учраб турибди. Департамент ходимлари бундайларнинг фаолиятига чек қўйиш, солиқ тўлашдан бош тортаётганларни аниқлаш, айнқса яширинча фаолият кўрсатаётган тadbиркорларни аниқлаш бўйича бир қатор тadbирларни мунтазам ўтказиб келмоқда. Ўтган йили спиртли ичимликлар, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 554 та яширин цех фoш этилиб, 113,9 тонна чи-

Касса аппаратларининг жорий қилиниши бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига ҳос бўлган элементлардан биридир. Бу мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилининг кўринишларидан ҳисобланади. Бу жараён биринчи навбатда, оддий солиқ тўловчи ва истёмољчи молчининг онгини ўзгартиришни тақозо этади. Истёмољчи харидор, унга хизмат кўрсатилаётган чоғда олиши шарт бўлган чек фақат унинг учунгина эмаслигини тушуниши лозим. Бу кичик чекда унинг ва бошқа кўплаб кишилар ва бутун мамлакатнинг фаровонлиги асосини ташкил қилувчи тамойил жамланган.

АНГЛАШ ВАҚТИ ЕТАДИ

Нимагадир бизда чек талаб қилишдан андиша қиладилар, айримлар хотамтойлик қилгандай «чек керак эмас», «қайтими шарт эмас» деган ибораларни виқор билан айтади.

Зеро, ривожланган мамлакатларда бошқача фикр юрийтишади. Чек ёрдамида ўз сарф-ҳаражатлари ва сотувчини назорат қилиш уларнинг турмуш тарзига айланган.

«Оммавийлашган» қонунбузарликлардан яна бири хусусий киракашлик қоидаларини бузишдир. Ҳозир хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ бўлмасин шахсий машинасида киракашлик қилаётганлар тўлиб кетган. Бироқ кўпчилик ҳайдовчилар солиқ тўламайди. Давлат автоинспекцияси ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, қонунбузарларга жарима соламан.

«Тadbиркор» ўз уйда хуфёна сўт, гўшт маҳсулотлари, шунингдек муқаймоқ ишлаб чиқарувчи, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш цехи очди. Бироқ ўтказилган текшириш давомида унда озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга руҳсатнома йўқлиги аниқланди. Санэпидстанция хизматининг салбий хулосаси олинмиши табиий, иш судга оширилганда, айрим «кўнгли юмшоқ» маҳалладошлар «бола-чақаси бор», «тирикчилик» дея орага тушадилар, шу сабаб жиноятни юмшатишга уринишади. Ваҳоланки, мазкур сифатсиз маҳсулотларни истёмољ қилиб, турли фoжеаларга гирифтор бўлаётган оилалар ҳақида ўйлашмайди ҳам.

Бўлимимиз томонидан аниқланиб, фаолиятига яқун ясалган ана шундай «тadbиркор»нинг айримларига тўхталмоқчимиз.

Фўқаро Ў.Холтўраев уйда қола ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Текшириш пайтида 60 кг. пахта туқи, чигит, 500 кг. техник ва туқсиз чигит, 2500 кг. қўлбола мўйивозда ишлаб чиқарилган кунжара далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Пахтани чигитлаш учун 40 сўмдан ҳақ олиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб келаётган П.Тўраев ва Ф.Мухаммадиевларнинг фаолияти ҳам ноқонунийлиги тўғрйли бекор қилинди. 825 кг. чигит ҳамда 322 кг. пахта далил тарикасида олинди.

Агар «бола-чақаси бор», «тирикчилик» илинжида юрган кимсалар ўз фаолиятини қонун талабиде расмийлаштирганда, ишлаб чиқаришни давом эттираётган, иши ва мулкни сақлаб қолган бўларди.

Илҳом ҲАМРОЕВ,
Қўмқўрган туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими суриштирувчиси

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА АСОС ЙЎҚ

Давлатимизнинг молиявий тизимини мустаҳкамлашда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари, тўрт йилдирки, самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, департамент ходимларининг 2004 йилги саяё-ҳаракатлари тўғрйли фoш этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан бюджетга 115.100.000.000 сўмлик қўшимча солиқ ва жарима ҳисобланган.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда солиқ тизими давлат ва солиқ тўловчи ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу боис ислохотларни такомиллаштириш ва иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқимиз қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди. Биргина Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш чора-тadbирлари тўғрйсида»ги қарори асосида департамент ходимлари 2004 йили республикада 129,4 млрд. сўмлик ноқонуний пул айланмаси содир этилганини аниқладилар.

Мисол учун, «Енгилсаноат» уюшмасини бир қатор мансабдор шахсларининг жинойи ҳаракатлари оқибатида 2,3 млрд. сўмлик солиқларни қасддан яшириш, 1,3 млрд. сўм миқдоридеги ноқонуний нақд пул айланмаси ва 19,4 млрд. сўм миқдоридеги қонунга зид бартер операциялари амалга оширилгани ҳамда 1 млрд. 169,2 млн. сўмлик ва 492,6 АҚШ доллари қийматида моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, 23 та жиноят,

70 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Етказилган зарарнинг 1,7 млрд. сўми ундирилди.

«Узпахтасаноат» уюшмаси қорхоналарида ҳам 24,7 млрд. сўм миқдоридеги ноқонуний нақд пул айланмаси ва 13,8 млрд. сўм миқдоридеги қонунга зид бартер операциялари амалга оширилгани, ҳамда 1,9 млрд. сўм моддий зарар етказилгани аниқланиб, давлат бюджетига молиявий жарималар билан бирга 11,2 млрд. сўм маблағлар ҳисобланиб, тўлиқ ундирилиши таъминланган.

Қонунбузарлардан ноқонуний муомилага киритилган 4,7 млрд. сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилиб, улардан 3,1 млрд. сўмлиги сотилиб, давлат бюджетига ўтказилди.

Ўзбекистон президентининг «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрйсида»ги (2004 йил 11 март) фармони ижро этиш борасида тезкор таҳлилий ишлар олиб борилди.

Бу борада 459 та қонунбузарлик аниқланиб, 176,4 тонна пахта, 84,3 тонна галла ва 84,5 тонна минерал ўғит ашёвий далил сифатида олинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши тўғрйли хилма-хил мулк шакллари вужудга келди. Тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бироқ бу имкониятни ўзига ниқоб

гит, 9,5 тонна ёғ, 9200 литр шароб ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Иқтисодий барқорорлигимиз асосини ташкил этувчи солиқ тизими давлатнинг қудратини мустаҳкамлаш ва халқнинг турмуш тарзини яхшилашнинг муҳим омилдир. Зеро, муҳтожларнинг ижтимоий ҳўямояси, кексаларга тўланадиган пенсиялар, мамлакат мудофааси, таълим ва тиббиёт тизимига ажратиладиган маблағлар солиқ орқали шаклланади. Шунинг учун департамент ходимлари солиқ тўловчилар ўртасида қатор тарғибот тadbирларини амалга ошириб келмоқда.

Одамларда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа иқтисодий жиноятлар учун ҳазонинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш бўйича 26.070 та тарғибот тadbирининг 7488 тасида ОАВ имкониятидан фойдаланилди, 18.582 та маъруза ва сўхбат ўтказилди.

Юқоридеги департамент ходимлари томонидан фoш этилган жиноятлар ҳақида айтиб ўтдик. Бу битта мамлакат учун озми, кўпми? Нима бўлганда ҳам хотиржамликка берилишга асос йўқ. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттириляпти.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАГАН «ТАДБИРКОР»ЛАР

Ҳамма бирдек севиб томоша қиладиган «Маҳаллада дув-дув гап» филмида онахоннинг «вой тиниб-тинчмаган одамлар-эй, нималарни ўйлаб топшимайди...» деган киноя ва ҳайрат аралаш сўзларини кўпчилик яхши эслайди. Ушбу кинони эслашимизнинг боиси айрим кўштирноқ ичидеги тadbиркорлар ҳам пул топишининг минг бир усулларини ўйлаб топшишади. Шофиркон туманининг Жўйнав қишлоғилик тadbиркор С.Собировнинг қилмиши бунга яққол мисол бўла олади.

Унинг уйда яширин равишда пахтани қайта ишловчи қўлбола цех фаолият кўрсатаётгани аниқланди. «Тadbиркор»нинг мақсади пахтани чигитдан ажратиб, тола сифатида пуллаш бўлган. Хуфёна фаолият юрийтиб, бойиб кетишни кўзлаган «иктидор» соҳиби чучварани хом санаган экан. Тadbиркорнинг уйдан далилий ашё сифатида маҳсус ускуна, 1510 килограммлик пахта, 60 килограммдан ортиқ чигит ва тола, жами 400.713 сўмлик хомашё ҳўжатлаштирилди.

С.Собировга нисбатан жиноят иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шавкат БЎРОНОВ,
Бўхоро вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори

Моҳият

Бахтли бўлиш
учун бойликнинг
ўзи етарли
эмас, бунинг
учун бойликдан
фойдаланишни
ҳам билиш
лозим.
Поль ГОЛЬБАХ,
француз файласуфи

Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан вилоятимизда ўзаро ҳисоб-китоб механизми ва солиқ интизомини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

КИМНИ АЛДАМОҚЧИСИЗ?

Ўтган йилда ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 1 миллиард 162 миллион сўмдан зиёд қўшимча солиқ, 1 миллиард 454 миллион сўмдан ортиқ молиявий жарималар ҳисобланди. Давлат бюджетига қўшимча равишда 2 миллиард 129 миллион 892 минг сўм маблағ ундирилди.

Солиқ қонунчилигига амал қилган тadbиркорларнинг иши ривожланмоқда. Бироқ барча тadbиркорлар қонунга амал қилиб фаолият кўрсатаяпти деб бўлмади. Масалан, Қосонсой туманидаги «Интер-Вест» хусусий фирмасида ўтган йилнинг 08 ойида 145 миллион 211,1 минг сўм товар айланмаси амалга оширилиб, 1 миллион 305 минг сўмлик мажбурий тўловларни қасддан тўламаган.

Чортоқ туманидаги «Кўхунур зиёси» хусусий фирмаси бошлиғи ҳам ишбилармонлиқни ўз билганича талқин қиладиганлардан чиқиб қолди. Фирма 2003 йилнинг июн-декабр ойларида 191 миллион 63,2 минг сўмлик «оборот» қилган бўлишига қарамай, бюджетга тўламини лозим бўлган 1 миллион 724,3 минг сўм пул ҳамёнга урилган. Удабабурон ўтган йилнинг биринчи ярмида 192 миллион 642 минг сўмлик савдо айирмасини амалга ошириб, ҳисоботларда тўртдан бир қисмини қайд этган ҳолос. Ҳар иккала ҳолатда жами 4 миллион 186,6 минг сўмлик солиқ тўловларни қасддан тўламасликка уринган раҳбарнинг кирдикорлари фoш этилди.

Юқоридеги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

О.САДРИДИНОВ,
Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК катта инспектори

MASLAXAT

Мазкур саволга жавоб беришдан аввал кимлар фермер бўлиши мумкинлиги аниқлиқ кiritиб олиши зарур. Амалдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида» қонунининг 4-моддасига мувофиқ, ўн саккизга тўлган, кишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибага эга бўлган шахслар фермер бўлиши мумкин. (Бунда фермер хўжалиги ташкил этилаётган ҳудудда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар). Лекин мазкур шартларнинг мавжудлиги фермер хўжалиги ташкил этиш учун етарли деган хулосани бермайди. Бунинг учун муаллиф айтиганидек танловда голиб чиқиш лозим.

— Танлов кам томонидан, қачон ва қай тартибда ўтказилади?

— Фермер хўжалиги ташкил этишига ер участкаси бериш учун танлов мазкур масалаларни қўриб чиқиш билан шуғулланувчи туман комиссияси томонидан амалга оширилади. Бундай танлов ўтказилиши тўғрисида мазкур комиссия томонидан маҳаллий ОАВда ёки бошқа кулай шаклларда эълон берилиб, танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш мuddатлари белгиланади. Аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишига ўн кун қолганда тўхтатилади.

— Танловда кимлар иштирок этиши мумкин?

— Танловда қайта ташкил этилаётган кишлоқ хўжалиги корхоналарининг аъзолари ва барча Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишга ҳақли. Бундан ташқари, айни пайтда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бошлиқлари ва уларнинг ходимлари,

Бунда у танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантурувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишига кўмаклашиши лозим.

— Танлов қандай ўтади?

— Танлов икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади. Иккинчи босқичда эса, талабгорнинг аризасида баён этилган тақлифларнинг иқтисодий асосланганлиги ўрганиб чиқилади. Бунда ҳар бир ариза берувчининг ўз зиммасига олаётган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариши имконияти пухта ўрганиб чиқилади.

Талабгорнинг имконияти биринчи босқичда қуйидагича баҳоланади:

- мутахассислиги;

Республикамизда ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш сиёсати амалга оширилмоқда. Мен ҳам ўзимни фермерликда синаб кўрмоқчи эдим. Лекин бунинг учун фақат хоҳиш-истакнинг ўзи етарли эмас экан. Янги тахрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги қонунни олиб ўқисам, унда фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси танлов асосида берилиши айтилиб, танлов каерда ва қандай ўтиши, унинг шартлари тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. Шу хусусда аниқ маълумот берсангиз.

Бир гуруҳ фуқаролар номидан З.ШАРИПОВ, Жиззах вилояти

- маълумоти;
- кишлоқ хўжалигидаги иш стажи;
- мавжуд яроқли техникаси;
- сўнгги йилларда шартномавий мажбуриятларини қай даражада бажарилиши (фермер хўжаликлари ва оилавий пудратчилар учун).

Бунда 10 баллик система амал қилади. Хусусан, мутахассислик ва маълумот тўғрисидаги ҳужжатга 5

Мен фермер бўлмоқчиман

оилавий пудратчилар танловда қатнашиши мумкин. Фақат мазкур танловни ўтказиш комиссияси раиси ва котиби талабгор сифатида иштирок этолмайди. Лекин ушбу комиссия аъзолари комиссия раисининг розилиги билан фақат битта контур бўйича талабгор бўлишга ҳақли. Аммо у ариза берган контур бўйича танлов ўтказилганда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

— Ер майдони олишнинг чегараси қанча?

— Ер майдонининг чегараси «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги қонунга мувофиқ, ер участкасининг энг кам ўлчами бир шартли чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, бошқа вилоятлар ва Қўрақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган ерларда (лалмикор) эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончиликка иқтисослаштирилган фермер хўжалиқларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахта ва галлачилик учун камида 10 гектарни, богдорчилик ва узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлари этиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Етарли техника ва пул маблағига эга бўлган шахслар эса бир неча контурларга талабгор сифатида ариза бериши мумкин.

— Талоғга бериладиган аризаси қаерга топшириш керак?

— Ариза ва ҳужжатлар танлов ўтказувчи туман комиссиясининг котибига топширилади. Комиссия котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, ҳужжатлардаги камчиликларни иш тартибда бартараф этиш чораларини кўради.

балдан 10 баллгача бўлган баҳо қўйилади. Мутахассислик учун энг юқори балл фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга бўлганларга берилади. Фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассислик деганда фермерлик фаолиятини юритишга доир махсус мутахассисликка эга шахслар, шу жумладан айнан шу соҳада касб-хунар коллежини тамомлаган ёки шу соҳада бакалавр (магистр) даражасини олган ёки бошқа илмий даражага эга бўлганлар ҳисобланади. Агарда талабгор бир неча мутахассисликка эга бўлса, фақат битта мутахассислиги бўйича энг юқори балл инобатта олинади.

Агар талабгор маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни хорийиқ билан ёки давлатларининг таълим муассасаларида 1992 йилнинг 1 январидан сўнг олган бўлса, мазкур ҳужжат қонунда белгиланган тартибда нострификация қилинган бўлиши лозим.

— Фермер хўжалиги ташкил этиш учун пул маблағи мавжудлиги ва унинг ҳаққонийлиги қандай аниқланади?

— Пул маблағининг мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади. Ушбу маълумотнома банк бошқарув раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланиши ва муҳр билан тасдиқланishi шарт.

Бунда талабгор ўз аризасида мазкур пул маблағларини фермер хўжалигининг устав фондида киритиш мажбуриятини олишини кўрсатади.

— Талабгор пул ўрнига мол-мулк тақдим этиши мумкинми?

— Танловда пул маблағи ўрнига шахсий йи-жойи, уй буюмлари ва суд қарори ёки бошқа асосларга кўра хатланган мол-мулклардан ташқари ҳар қандай мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқларни тақдим этиши мумкин.

Агар оила аъзолари ўртасидаги умумий мулк ҳисобланган мол-мулк тақлиф этилаётган бўлса, унда мулк ҳуқуқи тегишли бўлган барча оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши лозим.

Бунда тақдим этилаётган мол-мулк баҳоланган бўлиши зарур.

Агар талабгор мулк сифатида чорва молларини тақдим этса, уларнинг тегишлилиги кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади. Нархи эса чорва бозори маъмуриятининг маълумотномаси асосида аниқланади.

Талабгор танловда голиб чиққан тақдирда ушбу мол-мулкларни сотиб, пул маблағларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондида киритиш мажбуриятини олиши лозим. Фермер хўжалигини юритиш жараё-

Бирок, агар талабгор тақлиф этаётган техника воситасининг имкониятлари (қуввати) бир контурдаги ер майдонига нисбатан юқорироқ бўлса, ушбу техника воситаси истисно тариқасида бошқа контур танловда ҳам инобатта олиниши мумкин.

— Кейинги босқич нимадан иборат?

— Иккинчи босқичда билдирилган тақлифларнинг иқтисодий асосланганлиги баҳоланади. Бунда талабгорнинг аризаси, бизнес-режаси, зарур ҳолларда эса унга берилган тавсияномалар асос бўлади.

Билдирилган тақлифларнинг иқтисодий асосланганлигини баҳолашда унинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги, ер майдонидан кўп йиллик ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаган ҳосилдорлиқни таъминлаш, кишлоқ хўжа-

дан четлатилади.

— Агар талабгор талоғга қўйилгандан кейин ўз аризасида кўрсатилган ер майдони контуриги бошқасига ўзгартириш ниятини билдирса, унинг талаби қамоатга олиниши мумкинми?

— Албатта. Бунинг учун талабгор бошқа контурга талов ўтказилганига қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина танловда иштирок этишга тавсиянома берган комиссия қарорини илова қилиш киқоя. Энг муҳими, талабгор бошқа контурга ариза берганда ҳам йиққан барча балларини сақлаб қолади.

— Қоғилар қачон аниқланади?

— Танловни ўтказиш тўғрисидаги эълон чиқанидан бир ой ўтган ўтказилади. Танловда комиссия аъзолари



томонидан ҳар бир талабгорнинг қобилияти, билими, ишбилармонлиги ва савияси, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш борасида берилган савол-жавоблар 10 балли шкала асосида баҳоланиб, танлов варақаси ҳар бир комиссия аъзолари томонидан шахсан тўдириб имзоланганидан сўнг комиссия раисига топширилади. Сўнг ҳар бир комиссия аъзоси томонидан қўйилган баллар йиғиндиси ҳисобланиб, ўртача балл аниқланади. Танлаш босқичида тўлган балл ва танловда олинган ўртача балл йиғиндиси талабгорнинг якуний балли ҳисобланади. Энг кўп балл тўплаган талабгор голиб деб топилади. Бошқа барча шартлар бўйича тенг балл тўплаган ҳолларда қайта танлов этилаётган кишлоқ хўжалиги корхонаси аъзосига имтиёз берилади.

Агар битта контурга фақат битта талабгордан ариза тушган бўлса, танлов мuddати тугаган ушбу контурга белгиланган тартибда қайта танлов ўтказилади. Қайта танловда ҳам бошқа талабгордан ариза келиб тушмаса комиссия қарорига кўра мазкур контурдаги ер участкаси ариза берган талабгорга берилиши мумкин. Лекин бунда талабгор тақдим этган ҳужжатлар ва ўтказилган суҳбат натижасида тўплаган балли ушбу кишлоқ хўжалиги корхонасини қайта ташкил этишда қатнашган ва энг юқори балл олган талабгор балининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим.

Шундан сўнг танлов комиссиясининг якуний йиғилиши ўтказилиб, унинг баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман ҳокимига юборилади. Шу асосда туман ҳокимининг қарорига кўра фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси ажратиб берилади.

ЭСЛАТМА: мутахассислигининг танланаётган соҳага қанчалик яқинлиги, кишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажининг кўлиги, маълумоти, танловда тақлиф этаётган пул маблағининг миқдори, техника воситасининг тури, оилавий пудратчи ёки фермернинг охириги уч йил давомида шартномаларнинг бажарилиш кўрсаткичи қанча юқори бўлса, шунча юқори балл тўплаш имкониятини беради.

GURUNG

Тахририятнинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Мансур Аловуддинов:

— *Бобомурод ака, бузун сиз билан учрашиб, сўхбатлашишга мурасар бўлганимиздан барчамиз хурсандимиз. Юртимизда сизни танимасан санъат мухлиси бўлмасан керак. Ўзингиз ҳақингизда қисқача сўзлаб берсангиз.*

— Аввало, эътиборларингиз учун раҳмат! Мен 1940 йил 4 март куни Туркменистоннинг Чоржуй шаҳрида дунёга келганман. Ота-онам ўзбек. 1960 йили мактабни тамомлаб, 1964 йилгача уй қурилиш комбинатда қранчи бўлиб ишладим. Ўшангидан Комилжон отанинг кўшиқларини хиргойи қилиб юрардим. 1964 йили устознинг тавсияси билан виллоят филармониясига тақлиф қилишди. Кўп вақт ўтмай Хоразмдаги Муҳид-

қизиқшим тобора ортиб, 1964 йили бир тўйга келганида Комилжон Отаниёзовнинг олдида борганман, «устоз, мени шоғирдқилиб олинг» деб. «Нима кўшиқ айта биласан?», — деб сўраган эди. «Индийский айтаман», — дея жавоб бергандим. Чунки ҳажикатан ҳам хиндқўшиқларини яхши кўрар эдим. «Ўзбекча ҳам айта биласанми?» — деб сўраганида бироз уялиб, устоз: «Ўғлим, кўпроқ машқ қилинг, ўзбекча ҳам айтиб туринг», — дея маспахат берган. Устозимнинг дуоси ва халқимизнинг эътибори тўфайли санъатда шу даражага эришдим. Бугунгача ўзбекчадан ташқари хинд ва туркман кўшиқларини ўша тилларда ижро этмоқдаман. Ватан олдидаги меҳнатим тўфайли Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти, шунингдек, Туркменистоннинг «Ғайрат» медали соҳиби бўлдим.

ментлари борлигини эшитиб қоламиз. Албатта, чиройли кўшиқ кўччиликка манзур. Аммо ҳар бир соҳа халоллиқнинг тарафдори бўлгани каби санъат ҳам ўзига яраша масъулият, вилдон ва халоллиқни талаб қилади. Масалан, кўшиққа куй бас-таланаётганида бошқа бир миллатнинг куйидан фойдаланса, «ўғирласа» санъаткор ўз соҳасига хиёнат қилган бўлади.

Тахририятнинг Тошкент шаҳри бўйича мухбири Шавкат Ёдгоров:

— *Агар ижодингизни энди бошлаган бўлганингизда қандай йўналишда кўшиқ айтирдингиз? Санъаткор бўлмаганингизда қайси соҳани танлар эдингиз?*

— Бугун санъатта энди кириб келганимда ҳам эстрада, ҳам



Халқ мухри — тенгсиз тўқорот

Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов тахририятимиз меҳмони



Ижод тўхтаб турмайди, тўхтаб қолган ижод ривожланмай қолади. Шунинг учун доимо изланишда бўлганларгина эл ардоғида бўлишига шубҳа қилмайман.

Бўлим муҳаррири Махсумов:

— *Собиқ Иттифок даврида санъаткорларга эътибор қандай эди-ю, бузун қандай?*

динқори Ёкубов номли ансамблга ишга келганман. 1966 йилдан Тошкент вилоятида ўзбеклар учун махсус очилган Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги ансамблда ишимни давом эттирдим. Бир йилдан сўнг Комилжон устоз мени ансамблга раҳбар этиб тайинлади. Устознинг вафотидан сўнг 1979 йили Хоразмдаги Комилжон Отаниёзов номли филармонияга келганман. 1986 йили барча филармониялар ёпила бошлаган эди. Шундан сўнг 1986—1994 йиллари «Ўзбекнаво»да хизмат қилдим.

Мухбир Фозил Мамашаринов:

— *Айтинг-чи, санъатга қизиқишигиз қачондан бошлаган?*

— Болалигимдан санъатга қизиқаман. Ўн уч ёшимда Раж Капурнинг «Дайди» деган киносигада «Авароҳу» кўшигини эшитган санъатга қизиқишим ғоят ортиб кетди. Ўша даврда пул топиш қийин эди. Шунга қарамай отамдан пул сўраб, «Дайди»даги кўшиқларни ёдлаш учун кино уч кун қўйилса уч кун, тўрт кун қўйилса тўрт кун кўрар эдим.

Шу йиллари уйимизга кўзи ожиз амаким келса, ундан ғижжақ чалиб беришини сўрадим. У киши ғижжақни доим олиб юрар эди. Шунда амаким чалган куйга бор овозим билан кўшиқ айтар эдим. Ажиб дамлар экан. У вақтларни эсласам, кўмасаб кетаман.

Комбинатда қранчи бўлиб ишлаган йилларим овозим маҳалладаги ларга манзур бўлганиданми, мени тўйларга тақлиф этишар эди. Хатто иш вақти мен бошқариб турган қранчининг олдида келишиб: «Бобомурод, туш пастга, тўй бор, гаплашиб олайлик», — деб чакришар эди. Ўзларингиз чиқиб келинг десам, улар: «Олдинга чикмайди, қўрқинчи, доим тебраниб туради, ўзинг туша қол», — дея илтимос қилишарди. Қўрилишда бетон чиқарадиган ҳамкасбим Ҳамроқул Одилов доирани яхши чалар эди. Иккимиз тўй-ҳашамга доим бирга борардик. Санъатга

мумтоз кўшиқларни айтар эдим. Санъатни бирёклама тушунамслик керак. Санъаткорнинг истеъдод ва маҳорати бўлса, ҳар иккисини маромиде айтгани маъқул.

Агар мен санъаткор бўлганимда оддий ишчи бўлиб қолар эдим. Кўнглимда орам бўлган соҳага эриша олганимдан шукор қиламан.

Таржимон-муҳаррир Йўлдош Парда:

— *Ҳинд кўшиқларини маромига етказиб айтишигизни яхши биласиз. Шу ҳақда таъриб берсангиз.*

— Тўғри, юқориде айтганимдек, хинд кўшиқларига болалигимдан ихлосим бор. Бу қизиқчи Ҳиндистон маданияти орзу бўлган туркистанлик доимо ундаб келган. 1982 йили Ўзбекистонга машҳур хинд киноактёри Раж Капур келганида у билан учрашган эдим. Унинг кинолардаги кўшиқларга хиндистонлик машҳур санъаткор Мукеш овоз бериб келар экан. Аммо ўша йил Мукеш (АҚШда — Г.Х.) вафот этган. Раж Капур билан кўшиқларини бирга айтсам, у киши менга қараб: «Мен Мукешни Америкада йўқотган эдим, лекин бугун Ўзбекистонда яна топдим», деганида жуда севианганман. Биз Раж Капур билан яқин дўст эдик. У Тошкентга ҳар келганида қуришиб, шаҳар айланиб, ҳатто бозорларга нарса харид қилишга бирга борганларимиз ҳамон ёдимда. Бир-биримизнинг тилимизни билмасак-да, аммо қалб яқинлигидан барқарор дўстлик риштаси боғланган эди.

Орадан бир неча йил ўтиб, 1989 йил 28 май куни Ҳиндистоннинг Лакнаву шаҳрига ҳамкасбларимиз билан боришга мурасар бўлдим. Қайтишда самолётимиз беш соат кечкиди. Шунда бизларни саргузашлар қамраб олди. Ҳиндистон аэропортида «Фанта», «Кола» сингари ичимликлар сотилар экан. У пайтлари Ўзбекистонда бундай ичимликлар бўлмаган. Кун иссиқ, чанқаё кетдик. Ўйга ҳар хил совға-салом олиб, ҳамёнимизда бир рупия ҳам қолмаган эди. Ҳиндлар қрандан умуман сув ичимас экан. Ичимлик суви идишларда сотилиб, биз нима қилишни билмай турган эдик. Шунда сотувчининг олдига келиб, «Авароҳу» кўшигини айта бошладим. Сотувчи идиш қоққонини очиб мента сув узатар экан: «Гана, гана» (айта, айта), — деди. Мен унга бошқаларга ҳам сувингдан бер дея имладим. У эса битта кўшиққа бир пиёла сув дея ишора қилди. Шундай қилиб, 29 кунлик сафаримиз хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди. Умуман ол-

ганда, Ҳиндистон хотиралари мен учун қадрли бўлиб қолган.

Тахририятнинг Сурхондёрё вилояти бўйича мухбири Курбон Жўраназаров:

— *Сизнингча, санъатнинг халқлар дўстлиги учун қандай аҳамияти бор?*

— Санъат — дўстлик, тинчлик элчиси десак муболага бўлмайди. Нега десангиз, ўзбек, туркман, хинд халқи орасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда санъатнинг ҳиссаси катта.

Собиқ тузум даврида бир гуруҳ ўзбекистонлик санъаткорларни Американинг Нью-Йорк ва Мемпис шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмага олиб боришган эди. Ушанда мен ўзбек кўшиқларини ижро этганимда тингловчиларнинг барчаси қарсақ чалганидан қувониб кетганман. Халқимиз ва давлатимизнинг дунёга танилишида санъатнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеани баён қилай. Давлатимиз раҳбари Исом Каримов ва Туркменистон президенти Сафармурод Ниёзовларнинг Бухорода бўлиб ўтган учрашувида мен ҳам тақлиф этилгандим. Шунда президентлар мени ёнларига чакриб: «Сизга бир топширигимиз бор, туркман шоирларининг шеърларини кўшиқ қилиб Ўзбекистонда айтинг, ўзбек шоирларининг шеърларини кўшиқ қилиб Туркменистонда айтинг», — дейишди. Уларнинг бу эътиборидан фахрланам кетдим. Бу ишончнинг оқлаш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун бор кучимни аямайман.

Тахририятнинг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Абдурахмон Мустафоқулов:

— *Қайси кўшиқларингиз сиз учун қадрли ҳисобланади?*

— Бу саволга қисқача жавоб бермоқчиман. Халққа манзур бўлган, у доимо севиб тингладиган кўшиқларини санъаткор учун қадрли бўлади. Масалан, «Елписин» кўшигини тўйларда тақорор-тақорор айтиб беришимни сўрашди (шу ерда Бобомурод ака илтимосимиз бўйича шу кўшиқнинг бир бандини хиргойи қилиб бергач, хонани қарсақ овози тўтиб кетди — Г.Х.).

Мусаҳҳих Адолот Мустафоёва:

— *Сиз ҳаётда нима топдингиз ва нима йўқотдингиз?*

— Аввало йўқотганларимни айтиб ўтсам, устозим Комилжон Отаниёзовни ва бир ўғлимни бевақт

йўқотганман.

Топганларим эса тенгсиз. Санъат эътибори, ҳурмати ва муҳаббатини қозондим. Кишига бундан яхши муқофот йўқ. Ақсинча, саҳнадан чиқиб кет деган мазмундаги қарсақлар бўлса, санъаткор учун энг катта йўқотиш шу бўлади.

Бўлим ноири Ҳамид Мельников:

— *Севги ва садоқат ҳақида нима дея olasиз?*

— Севги-муҳаббат бўлмаса санъат бўлмаган бўлар эди. Олам меҳор-муҳаббат, садоқат билан гўзал. Бу тўйларнинг эса санъат тарануми этди. Санъаткор қалбида ҳасад билан эмас, ҳавас билан ижод қилса кўп нарсага эришади. Ақсинча бўлса бундай санъаткорнинг келажаги бўлмайди.

Тахририят ҳуқуқшуноси Доинёр Халилов:

— *Бугунги кун радио, телевидение, кино санъати, овоз ёзиш студияларининг фоалиятига қандай баҳо берасиз?*

— Бу саволнингизга ўйлаб жавоб бермасам бўлмайди. Аввало радио кўшиқларини нутқ маданиятидаги нуқсонлар бартараф этилса яхши бўлар эди. Телевидение ва кино санъати бир-бирига узвий боғлиқлиги барчамизга маълум.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган филмлар билан илгариги «Мафтунингман», «Тоҳир ва Зухра» каби кинолар орасида катта тафовут борлигини ҳис қиламиз. Бугунги киноларни ҳам келажак авлод севиб томоша қилармикан дея ўйланиб қолсан киши. Бу борада бир тақдирим бор эди. Агар яхши асарга кино ишланиб, унда устоз санъаткорлар ижро этган кўшиқлардан қўйилса, бу филм оригинал чиқишига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда кўп хонандлар фонограммдан кенг фойдаланаётгани ҳам сиз эмас. Лекин барибир кўшиқни ўзинг ижро этганингга нима етсин? Масалан, Комилжон Отаниёзов бир тун доира билан айтган кўшиқлар ҳамон юракнинг нозик торларини чертиб ўтади.

Тилагим шу, барча ишни билд қилдилан, меҳр-муҳаббат билан қийлайлик. Барчамизга бахт-саодат ва омад ҳамиса ёр бўлсин.

Сўхбатни Гули ҲОҶИБОЕВА ёзиб олди

SUD OCHERKI

«Мен бу азоблардан тўйиб кетдим, шунинг учун ўзимни...». Бу жаззахлик Гулчехранинг охириги калимаси эди. Умирида рўшнолик кўрмаган бир муштупарининг сўнгги сўзлари эди бу. Ҳа, ҳозир у орамизда эмас. Аёл биринчи навбатда оиласидан бахт топсин экан. Кўчада, ишда минг қувонса ҳам, атрофида қўллаб-қувватлайдиган кишилар бисёр бўлса ҳам кишининг уйда тинчи бўлмаса ҳаммаси бефойда. Гулчехра ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди. Аммо у оиласидан бахт тополмади. Ундан бахтни тортиб олишди...

Уларнинг тўйи ҳам кўпчилик тўйлар қатори иччам, даб дабасиз ўтди. Гулчехранинг бегона жойга кўникиши қийин кечса-да, бора-бора ўрганиб кетди. Тўйдан бир-икки ойлар ўтиб, яна аввалги иш жойи — фабрикада ишлаш бошлади. Уйда ҳам иш кўплиги учун у ҳаммасига улғур-ишга ҳаракат қиларди. Ҳали хўроз қичқирмасдан туриб, юмушларни қилар, уйдагиларга нонушта тайёрлаб фабрикага югурар эди. Турмуш ўртоғи Улуғбек эса асаларичилик ҳўжалигида ишлар, кўп вақтини кўчада ўтказарди. Вақт ўтиши билан фарзандлар туғилди. Бола-чақа, рўзгор деб беш йил ҳам ўтиб кетди. Гулчехра бутунлай ўзгарди. Энди у аввалги Гулчехрага сира ҳам ўхшамасди. Юзларини ажин босиб, озиб-тўзиб кетган эди.

Бора-бора Улуғбек ҳам ичиб келадиган одат чиқарди. Шундай пайтлари у ўзини бошқаролмай қолар, бўлар-бўлмас баҳона билан Гулчехрани уришдан тоймасди. Бундай юриши оқибатида ишдан ҳам ҳайдалгач, ичкиликка муккасидан кетди. Гоҳ Гулчехранинг ишхонасига бориб, тўполон қилган вақтлари ҳам бўлди. Шу тарзда яна ўн йил ўтди. Гулчехра бу пайтга келиб фабрикада эмас, коллежда фаррош бўлиб ишлар, Улуғбек эса арок деса ўзини томдан ташлайдиган пийнеста бўлиб қолганди.

Ҳаммасидан ҳам Гулчехрага қийин бўлиб қолди. Тонг-сахардан коллежга бориб, фаррошлигини қилар, ишдан ортган пайтлари кўчада сигарет ва шунга ўхшаш майда-чўйдаларни сотиб кун кўрарди. Лекин қанча югуриб-елмасин, эрининг биргина жанжали олдида ҳаммаси бир пул бўларди. Улуғбекнинг билгани арок, Гулчехрадан сўрагани пул бўлиб қолди. Агар хотини ейишича деб бир тийингача ҳисоблаб юрган пулидан бермаса, калтаклар остида қоларди.

Гулчехра бу азобларга чидади. Жонидан ўтиб кетган пайтлари ўзини бир нима қилиб қўйгани келарди-ю, яна бўйи етиб қолган болаларини ўйлаб, фикридан қайтарди. «Бу ҳўрликларни худойим кўриб турганди. Азобларнинг ҳам охири бордир. Болаларим катта бўлиб қолди. Худо хоҳласа шулардан ҳузур-ҳаловат кўрарман».

Кизининг кириб келишидан юрак олдириб қўйган Малоҳот опа Гулчехранинг афт-ангориға қараб, бу сафар ҳам бирор кўнглисизлик бўлиб ўтганини пайқайди.

— Ҳа, қизим, тинчликми? Қовоқларинг нега кўқариб кетди? Ё эринг яна...

Келганидан буён юзини яшириб, онасидан кўзини олиб қочиётган Гулчехра ортиқ чидай олмади. Бу сўров шундоқ ҳам тўлиб турган кўнглини вайрон қилиб юборди. Узини онасининг кучоғига ташлаб йиғлай бошлади.

— Онажон, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. У золимдан қутқаринг мени.

— Вой, онагинанг ўргилсин! Қўлларинг сингур нега ҳадеб ураверади? Урмаса турулмайдики қирилгур?


— Агар шунча урверса мен тентак бўлиб қоламан, онажон. Ичгани арок. Уша зормандага пул бер деб уради. Мен нима қилай энди? Рўзгорнинг кам-қўстига

қарайинми ё...

— Ҳа болажоним-а! Сен бояқиш жуда эзилиб кетдинг-да. Бўй етиб қолган болаларининг олдида ҳам уялмайди бу бетавфик. Бўлди, кўп йиғлайверма. Энди бор-майсан ўша уйга.

— Онажон, ахир болаларим...
— Болаларинг катта бўлиб қолди. Ўз кунини ўзлари кўриб кетади. Агар она керак бўлса, бир кунни ўзлари келади. Сен ҳеч болаларингдан ўйланма.

Бу гапдан кейин Гулчехра ор-



Гулноҳим нима эди?

тиқча бир гап қилолмади. Қизлик уйда ўн беш кунлар туриб қолди. Бу орада Улуғбек келиб, хотинини сўқиб кетди. Кўевининг бу қилигидан кейин Гулчехранинг ота-онаси кизини оиласига умуман юбормасликка аҳд қилган эди. Лекин кўевларининг тоғаси жиёни номидан кеңирим сўраб келганда, ўзаро маслаҳатлашиб Гулчехрани оиласига қайтаришга келишишди. Унинг ўзи ҳам болаларининг тақдирини ўйлаб уйга қайтишга қарор қилди.

Аммо узр сўраб болар тоғанинг «энди Улуғбек келинни урмайди, тавбасига таянди» деган ваъдаси узоққа бормади. Улуғбек яна хотинига азоб беришни бошлади. Тинимсиз ҳўрликлардан зада бўлган Гулчехра бориши мумкин бўлган бир жой — ота-онасиникига яна бош эгиб келди. Узоқ вақтдан буён кизини кўрмаганлиги учун Малоҳот опа ҳам кизини кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳа, қизим, ҳафароқ кўринасан? Юзларинг ҳам ишишгандайми?

— Йўқ, ўзим шунчаки. Ҳаммаси жойида.

— Сен мендан бир нарсани яширяпсан шекилли?

Кизининг ерга қараб индамай турганидан яна оиласида бирон гап бўлганини пайқагандек бўлди. Шу пайт суҳбатнинг устига Малоҳот опанинг тутиган опаси Салтанат кириб келиб қолди.

— Ҳа, она-бола дардлашиб ўтирибсизларми?

— Ассалому алайкум, опа, келинг.

— Ассалому алайкум, хола! Хола салом-алиқдан кейин узатишдан чойдан бир хўплади-да, синглисига сўз қотди:

— Малоҳот, сенга бола керакми ёки йўқми?

— Бу нима деганингиз, опа?

— Сенларга бола керак эмасла ўхшайди. Агар керак бўлганда бундай қилиб ҳўрлатиб қўймасдиларинг, — Салтанат хола шундай деб олдида ўтирган Гулчехранинг бошидаги рўмолини тортиб олди. — Кўевининг қилган ишини кўриб қўй.

Гулчехранинг бошида катта жароҳат кўзга ташланиб турар, қачондир қони тўхтатиш учун сеппилган ун ҳам қонга бўялиб қотиб қолганди.

— Вой, менгина ўлай! Сени ким

бу қўйга солди, жон қизим?

Гулчехра жавоб ўрнига ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Унинг ўрнига сенга жавобни мана мен бераман, — деб Салтанат хола ястаниб ўтириб олди. — Арзанда кўевинг ароққа пул сўраб Гулчехранинг бошига қапкир билан урибди. Қизинг ёрилган бошини чангаллаб, қўшнисиникига қочиб ўтибди.

— Вой, бояқиш қизим-а! Нега келганидан менга айтмайсан?

Кизинг ёрилган бошини кўрар экан, Малоҳот опа ўзини йиғидан тутиб турулмади.

— Онажон, холажон, тўйиб кетдим. Кўевингизнинг азобларидан тўйиб кетдим.

— Бўлди қизим, йиғлайверма, — Салтанат хола синглисига юзланди, — мен сенга бошида айттувдим, шу кўевинг тўзук эмас, қизингни кўйдиради деб. Ҳозир нариги маҳалладаги Холиданинг тўйидан келаяпман. Бир уй хотин-халаж шунга гапириб ётибди. Шу ерда эшитдим ҳаммасини. Тўй ҳам татамай тўғри ўша зўравоннинг олдига бормоқчи эдим. Уйдагилар Гулчехранинг ўзи келди дейишди. Ҳали ҳам кеч эмас, у қўлинг сингур билан яшмагандан кўра буларни ажратиб қўйганинг тузукка ўхшайди...

— Аввал ажратмасам ҳам энди ажратаман. Унга ҳўрлатиб кўяди-ган қизим йўқ. Яшамагурни мелисага бераман.

Жабрланувчи Малоҳот Ташеванинг кўрсатмасидан:

«...Мен қизимга жароҳат етказган ва унинг ҳўқуқларини поймал қилган Ҳайитов Улуғбекка нисбатан чора қўриш тўғрисида туман ИИБга ва қишлоқ фуқаролар йиғинига ариза бердим. Лекин аризамни ҳеч ким текширмади. Кейин ҚФЙ хотин-қизлар қўмитасига мурожаат қилдим. Шу вақт маҳалла элиқбосиси келиб, «Биз ҳаммасини гаплашамиз, раис билан келишиб, Улуғбекка чора қўрамиз» деди. Лекин ҳеч қандай чора кўрмади. Орадан бир ой ўтиб, маҳалла кайвониси келиб, менга ва қизимга «Энди кеңиримли бўлинглар, эр-хотин ўртасида шундай жанжаллар бўлиб туради, бир-бирларингни кеңиритинглар» деб қизим Гулчехрани яна уйига олиб кетди».

Ота-онаси, қариндош-уруғлар билан туриб уни яна зулум ўчоғига тиқиб қўйишди. Оқибатда эса...

Эрининг гирт мастлигини кўриб Гулчехра кўрқиб кетди.

— Нимага сөррайиб турибсан? Қани бу ёққа кел! — у олдига келган Гулчехранинг бўйнидан ушлаб, ўзига тортиди. — Қани, пулдан чўз-чи.

— Пул йўқ, қолмади.

— Сенга неча марта айтганман, менга пул йўқ дема деб, а?

Улуғбек шундай деб хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Бу ҳам қамлик қилгандек қорнига мушт туширди. Гулчехра бу зарбага чидалмай букчайиб қолди.

Судланувчи Улуғбек Ҳайитовнинг синглиси Мунира Ҳайитовнинг кўрсатмасидан:

«2004 йил 18 феврал кунни соат тахминан 13 ларда акам уйга маст ҳолатда келди ва ойим (Жиззах шевасида «ойи» «янга» деганини) ошхонада уриб кетди, сабабини билмайман. Чунки акам маст бўлса, ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайди. Мен уларни ажратдим».

— Ака, нима қилаяпсиз? Қўйинг, урманг оийимни.

Синглининг гапи акага таъсир ҳам қилмади. Яна Гулчехрага қараб гапира бошлади.

— Сигарет-пигарет сотган пулинг қани?

— Уйда бир қисим ун йўқ.

— Ун-пунингди билмайман. Менга қаердан бўлмасин пул топиб берасан. Тушундингми?

— Чарчадим, у-бу нарсани пишириб бер. Лекин бир соатдан кейин пул тайёр бўлсин. Билдингми?

Улуғбек гандирақлаб уйга кириб кетди. Гулчехра унинг ортидан қараб турди. Кейин тезда ошхонага ўтиб, егулик тайёрлади. Овқатни эрининг олдига киритиб, ошхонага қайтиб келди. Бироздан кейин эса...

Гулчехра ўзига ўт қўйиб, жонига қасд қилганди. У бу фойий дунё азобларига ортиқ дош беролмаганди.

Судланувчи Улуғбек Ҳайитовнинг кўрсатмасидан:

«Мен 2004 йил 18 феврал кунни тушда уйга ҳақиқатан ҳам озроқ спиртли ичимлик ичиб келгандим, лекин хотинимни урганим йўқ. Фақатгина синглимга қарамайсан деб уришдим... Хотинимдан сўраганимда у рўзгорда ишлатилмаган ёғни доғлаётганимда ёғ сач-

раб кетди деди. Лекин ўша вақтда қозонда ҳақиқатан ҳам рўзгорда ишлатилмаган ёғ бор-йўқлигини кўрганам йўқ».

Изоҳга ҳожат йўқ. Ёғ сачраб кетиб қуйиш билан ловуллаб ёнишнинг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Ақасининг бу гаплари ёлгон эканлигини судланувчининг синглиси **Мунира Ҳайитовнинг кўрсатмаси ҳам тасдиқлайди:**

«Уша кунни ойим умуман ёғ доғлагани йўқ ва мен қозонда умуман мой кўрганам йўқ. Ойим ёнган вақтида газ ўчирилган ҳолатда эди... Уша ерда қармақ идиш ҳам ерча фарқ бор, бу идишда олдин солярка сақланарди. Марҳум ойим акамнинг ҳўрликларига чидай олмади, ҳар хил сабабсиз уриш-жанжаллардан безор бўлиб ўзини ўзи ёқиб юборган».

Худди шунга ўхшаш кўрғазмани судланувчининг ўғли Латиф Ҳайитов ҳам беради:

«Мен онаминг ўз жонига қасд қилиб вафот этишига дадам айбдор деб ҳисоблайман. Унқи дадам аямни доимий равишда уриб, сўқиб, қийнаб келган. Бунга аям чидай олмасдан ўз жонига қасд қилган».

Агар етти ёт бегоналар судланувчига айб қўйиб, уни жазоланиш талаб қилиб кўрғазма берса, унчалки ишонмаслик мумкиндир. Лекин айбланувчининг жиғари бўлмиш синглиси ва ўғлининг кўрсатмасига қандай қилиб ишонмаслик мумкин?

Гоҳида кўча-қўйда бир-бири билан ит-мушук бўлаётган эр-хотинларни кўриб қолсақ уларни ажратиб қўядиган кишиларни деярли учратмаймиз. Баъзан эса ўзимиз ҳам уларни муросяга келтириб қўйишдан кўра «томошабинлик»ка берилиб кетганимизни сезмай қоламиз. Нимага бундай? Нақл қилганларидек, «эр-хотиннинг оралиқ эсини еган тушиши» ростми? Эр-хотиннинг уруши — дока-рўмолининг қуришими?

Фожеа рўй берди. Гулчехранинг тақдирини бундай аянлик бўлмаслиги ҳам мумкинмиди? Кўқарган кўз, ёрилган бош учун эр ўз вақтида жавоб берганида ҳаммаси бошқача бўлармиди?

Суд ҳукмига асосан Улуғбекка ҳақли жазо тайинланди.

Фарход ҚУЛМАТОВ,
Жиззах туман прокурори,
Фозил МАМАШАРИПОВ,
«Ниқуқ» муҳбири

Бир вақтлар тарих дарсликлариди, хориж адабиётларида сенат, сенатор атамаларига дуч келиб, уларнинг магзини чақиш учун бош қотириб ўтирганлимида вақти келиб ўз сенаторларимиз бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганимиз аниқ.

Бугун юрдошларимиз учун «икки палатали парламент», «сенат», «сенатор» тушунчалари бегона эмас. Айниқса, Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси учун бўлган сайлов халқимизнинг парламентаризм ҳақидаги билимларини кенгайтириб юборди. Шундай бўлса-да, парламент сайловининг иккинчи босқичи ҳам аяқланган бир шароитда бу мавзуга тақрибан мурожаат қилиш фойдадан холи бўлмас.

Маълумки, ҳозирги замон жаҳон давлатчилиги ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципларига асосланади. Бу концепцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти тизимида энг юқори мавқе қонун чиқарувчи ҳокимиятга тегишли бўлади. Бошқача айтсак, қонун чиқарувчи ҳокимият аввало умумжамиyat вакиллик органи сифатида намойён бўлади ва турли давлатларда турлича номланади.

Баъзи манбалар 1265 йили ташкил топган Британия парламенти, айримлар исланд парламенти, энг қадимги деб билишади. Агар парламент халқ вакиллик органи эканлигига эътибор қаратсак, қадимги туркий халқлардаги оксоқоллар йиғинини ҳам эслаб ўтиш адолатдан бўлар эди. Лекин бизга бошқалардан кўра аниқ ва яхшироқ ўрганилган манба — қадимги Рим тарихи кўпроқ маълумот беради. Шу боис, Рим сенатини қадимий санасак, эҳтимол тўғри бўлар. Янги давр парламентаризми ҳам ундан кескин фарқ қилмайди. Дейлик, XVIII асрнинг охиридан биринчи жаҳон урушигача фаолият юритган АҚШ парламенти фақатгина буржуазия вакилларидан таркиб топган. Рим аристократлар сенатидан озгина фарқ қилиб, буржуа парламентлари монарх ваколатларини чеклаш ва сармоядорлар

қалпоғистон Жўқорғи кенгеси) сайланиб бўлгандан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилди. Мамлакатимизда парламентнинг куйи палатасига ва маҳаллий кенгашиларга асосий сайлов ўтган йилнинг 26 декабрида, тақрибий овоз бериш жорий йилнинг 9 январиди муваффақиятли ўтказилди. Айни кунларда давлат ҳокимияти

рибасига асосланиши турган гап.

Ўзбекистонда парламент конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг сенати тўғрисида»-ги конституциявий қонунларга, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси сенатининг регламенти тўғри-

наторликка тайинланган тақдирда унинг депутатлик ваколати тугатилади.

Бизда ҳам сенат аъзолигига сайланувчига қўйиладиган асосий талаблар, сайлов цензлари мавжуд. Улар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонуннинг 53-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра,

Ўзбек сенати

У ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНДИ?

манфаатини биринчи ўринга қўйиш учун кураш олиб борган эди.

XX асрнинг биринчи ярмида парламентларнинг жамиятдаги роли кескин тушиб кетгани кузатилади. Дейлик, фашизм ёки коммунизм гоълари ҳукмрон давлатларда парламент доҳийлар учун таянч вази фасини ўтаган бўлса, «демократик» давлатларда ижроия ҳокимиятга мутеликдан нарига ўта олмайди.

Фақатгина ўтган асрнинг иккинчи ярми, аниқроғи 1960 йилларга келиб дунё парламентаризмида уйғониш жараёни бошландики, у жаҳон мамлакатларида бугунга қадар давом этмоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатларда парламент давлат тизимидаги юқори орган мақомига эришди ва кун сайин янги-янги ваколатларни «ўзлаштириб» бормоқда.

«Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонуннинг 52-моддасига биноан, миллий парламентимизнинг юқори палатаси — сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органилари (жумладан, Қора-

вакиллик органиларининг қўшма мажлисларида сенат аъзолигига номзодларни кўрсатиш ва овоз бериш ниҳоясига етиб, сенат аъзоларининг таркиби матбуотда эълон қилинди.

Жаҳон тажрибасида юқори палата — сенатни шакллантиришнинг қандай тартиблари мавжуд ва биз уларнинг қай бирини маъқул деб топдик?

Сенатни шакллантириш бевосита ва билвосита сайловлар йўли билан амалга оширилади. Умуман, ҳозирги пайтда юқори палатани шакллантиришнинг тўрт хил:

- тўғридан-тўғри овоз бериши;
- кўп босқичли овоз бериши;
- тайинлаш;
- мерос йўли каби кўринишлари мавжуд.

Қай бир йўлни танлашда ҳар қайси мамлакат ўз тараққиёт модели, тарихи, халқнинг турмуш тарзи, менталитети ва албатта жаҳон таж-

сида-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонунларга мувофиқ шакллантирилади.

Парламентимизнинг юқори палатасини шакллантириш тартиби конституциянинг 77-моддаси 3-қисмида, «Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни, **сенаторлар Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли юрдошларимиз орасидан президент томонидан тайинланади.** Президент куйи палата ёки халқ депутатлари кенгаши депутатини ҳам сенаторликка тайинлаши мумкинми деган савол туғилиши аниқ, Мумкин, фақат бундай фуқаро се-

Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов кўни йиғирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистонда муқим яшаётган депутати сенатга сайланишга ҳақли. Мазкур талаблар президент тайинлайдиган сенат аъзоларига ҳам тегишли. Сайлов қонунчилигимизда мулк цензи назарда тутилмаган. Умуман, мулк цензи, яъни сайловчиларнинг сайловда қатнашиш учун муайян мулкка, даромадга эга бўлишининг талаб этилиши ҳозирги замон сайлов амалиётида деярли қўлланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, икки палатали парламент тизимига ўтилиши мамлакатимиз қонунчилигининг янада мукаммаллашуви, сенат фаолияти эса мамлакат регионларининг манфаатлари қонунчиликларида ўз ифодасини топишига ёрдам беради.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Нуқуқ» мухбири

реклама реклама реклама реклама реклама реклама

БЕРУНИЙ «ЁҒГАР»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

Ватандошларимизни қурбон
ҳайити билан қутлаб, сиҳат-
саломатлик тилайди!

Биз янги йилда ҳам ўзимизнинг аъло
сифатли маҳсулотларимиз билан
дастурхонингизни тўқин
қилишга интиламиз.

Барчангизга омад, бахт-саодат ёр
бўлсин, азизлар!



TARIXDAN TARIQCHA

(Давоми. Бош ўтган сонда).

Энди биргина бир хил рақамли банкнотларни топишдан умид қилиш мумкин эди. Полициячилар «Ангола ва метрополилар банки»нинг омборидан топилган 4000 та 500 таликнинг номерини ёзиб олишга киришишди. Давлат банкнинг бир гуруҳ ходимлари ҳам Португалия банкнинг Лиссабондаги омборида шу иш билан шуғулланишди. Гуруҳлар орасида телефон алоқаси йўлга қўйилиб, вақти-вақти билан рўйхатлар солиштириб борилди. Бу тadbир самара берди. 6 декабр куни тушга келиб полициячилар бир хил номерга эга ва бир лойнинг ўзидики икки омборда сақланган 4 жуфт ҳажийги 500 эскудолик пулни аниқлашди. Бу факт фақат бир нарсадан дарак берарди: қандайдир тушунарсиз сабабга кўра жиноятчилар Лондонда сақланаётган ҳақиқий босмахона пластиналаридан такроран фойдаланган.

Номерларнинг солиштирилиши ҳақидаги ҳисоботни олиши билан судья Дирейто «Ангола ва метрополилар банки»нинг таъсисчиларини, директорлар кенгаши аъзолари ва юқори мартабали ходимларини ҳисобга олиш тўғрисидаги ордерга қўл қўйди. Худди шу куни Африкада Португалияга банкнинг тўрт таъсисчисидан бири, корхонанинг асосий хўжайини Артур Вергилио Алвес Рейс қайтиб келди. Фамилияси қора рўйхатнинг бошида турганлиги учун 29 яшар банкир кема бортидаёқ ҳибсга олинди. Полициячиларнинг аниқлашича, Адолф Густав Хеннис деган киши А.Рейсга ҳамроҳлик қилган. Кечга бориб терговчилар бу одам «Ангола ва метрополилар банки»да расмий лавозимда ишлаганасида, банк фаолиятида муҳим ўрин тутгани тўғрисида рад этиб бўлмас далилларга эга бўлишди. Полиция кеманинг тит-питини чиқариб ҳам А.Хеннисни тополмади. Кейинроқ аниқланишича, Португалия ҳудудий суварлига қирвершишда кемага бир қатар яқинлашиб, номаълум киши А.Рейс ва А.Хеннисга банкдаги тинтув ҳақида хабар берган. А.Рейс кемада қолишга қарор қилган, А.Хеннис эса шу заҳоти катерга тушиб, номаълум йўналишда кўздан гоийб бўлган. Кўп йиллардан сўнг португал полициячиларининг аниқлашларича, бу одам бир сутка мобайнида уларнинг шундоқина тумшуклари тағида бўлган экан. А.Рейс қамоққа олинган лаҳзада у порт ресторанида ўтириб хўжайинини қўлига кишан урилган ҳолда машинага солиб олиб кетишларини томоша қилиб турган. Эртасига, 7 декабр куни А.Хеннис кемада Португалия ҳудудидан омон-эсон чиқиб олиб, Германияга йўл олган. Полициядан яширинишга муваффақ бўлган бўлса-да, унинг қочиши айбини буйинига олиши билан тенг эди ва бу нарсга шерикларини қийин ахволга солиб қўйди.

Дирейто гуруҳи аъзолари зудлик билан А.Рейсини сўроқ қилишга тушдилар. Биринчи сўроқнинг натижасиёқ терговчиларни лол қилиб қўйди. А.Рейс бамайлихотир давлат банкнинг 90.000 акциясидан 31.000 тасига эгалик қилишини билдирди; бу бир киши қўлида тўплаган, овоз бериш ҳўжжига эга акцияларнинг йирик пакети эди. Мамлакатдаги қонунга кўра жисмоний шахс белгиланган лимитдан ортиқ ошдий (овоз берувчи) акцияга эга бўла олмади, бироқ А.Рейс қонунни заррача бузмаган ҳолда бу чекловни четлаб ўтган эди...

Унинг тасарруфидаги акциялар турли жисмоний ва юридик шахс-

ларга тегишли бўлиб, ҳар хил ҳисоб ва депозитларда сақланар, лекин А.Рейс улар иштирокида операциялар ўтказиш ва маблағларни бошқариш тўғрисида акционерларнинг ишонч хатларини олган эди.

1925 йил 7 декабр куни эрталаб Португалия банки бошқарувчиси К.Родригес тергов гуруҳидаги ўзи экспертидан дастлабки сўроққа доир ҳисоботни олди. Ушбу ҳужжатга асосланиб бошқарувчи «Ангола ва метрополилар банки» тўғрисида тўлиқ маълумотнома тайёрлаш ва у ерда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида буйруқ берди. Бундан ташқари унинг имзоси билан «Waterlow & sons» фирмаси президенти Вилям Алфред Ватерлоу куйидаги телеграмма жўнатилди: «500 эскудолик сохта банкнотлар

етиб боришини билган А.Рейс уни бамайлихотир Лиссабон биржаси савдо тизимига киритади ва йўқ пулга транс Африка темирйўллари эгаси — «Амбако» компаниясига қарашли жуда арзонлашиб кетган акцияларнинг назорат пакетини сотиб олади. Сўнг компаниянинг Лиссабондаги идорасига бориб ўзини янги хўжайин сифатида таништириш ҳамда раҳбарлик ҳуқуқидан фойдаланиб, компания ҳисобидан чекни қоллаш учун Нью-Йоркка 35.000 доллар ўтказди. «Амбако» бир ҳафта бурун Португалия ҳукуматидан 100.000 доллар заём олган эди. А.Рейс шу тариқа уни тасарруфига олади. Қолган 65.000 доллarga у бир неча кун ичида «South Angola mining co.» компаниясининг назорат пакетини сотиб олади.

Бир овоздан барча 500 талик пуллари муомаладан олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1925 йил 7 декабр куни Португалиядаги кечки газеталар давлат банкнинг куйидаги баёнотини босиб чиқарди: «22 декабрча мамлакатдаги ҳар қандай банкда қўлингиздаги барча 500 эскудолик пулингизни бошқа ҳар қандай қийматдаги банкнотга алмаштириб олишингизни сўраймиз». Баёнотда А.Рейс ва А.Силванинг ҳисбга



Анголага

аталган пулллар



қўлайиб кетди. Имкони борича тезроқ эксперт жўнатинг. Узингиз ҳам текширув ўтказинг».

Португал пулларини чоп қилувчи инглиз фирмасининг эксперти шу кунийёқ, В.Ватерлоу эса эртасига Лиссабонга етиб келди.

Таъкидлаш жоизки, банкнотларнинг барча ҳимоя даражасини фақат уни тайёрловчигина билади. Айнан унинг текширувигина объектив натижани бериши мумкин. Одатда олдий фуқаролар ҳимоянинг 6 даражасини ажрата олишади; қўшимча 6 даража полиция экспертлари маълум бўлади (жами 12 даража); эмиссия маркази, яъни Миллий банк экспертлари яна 6 ҳимоя даражасидан хабардор бўлишади (жами 18 даража); яна 6 ёки ундан кўпроқ ҳимоя даражаси фақат пулни тайёрловчигина маълум бўлади. Ушбу нисбат ҳар хил мамлакатларда турлича бўлиши мумкин, аммо шунга ўхшаш механизм марказлашган пул муомаласи бор жойда албатта мавжуддир. Бу нарсга сохта пул чиқарувчиларнинг ишини қийинлаштиради; ҳатто энг мукамал деб ҳисобланган сохта пулни ҳам эмиссион банк эксперти фош қила олади. Лекин бу гап ундай бўлмади.

«Ангола ва метрополилар банки» тарихи қисқа, аммо қизик эди. Уни Артур Вергилио Алвес Рейс, Жозе душ Сантуш Бандейра ва Адриано Силва таъсис этишган. Португалия банки кенгаши устав жамғармаси 20 миллион эскудо бўлган хўсусий банки рўйхатга олиш тўғрисида берилган арзидан икки марта рад этди. Бунга Ангола провинциясига «Ультрамарино банки» муваффақиятли хизмат қилаётгани учун бошқа банк ташкил этишга эҳтиёж йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилди.

Аслида кенгашга банкнинг таъсисчилари ёқмаган эди. 1922 йили «Артур Рейс» фирмасини ташкил этган А.Рейс «Амбако» компанияси билан боғлиқ можарога аралашиб қолганди. Америка банкда ҳисоб-рақам очиб, унга 40.000 долларлик чек ёзиб беради. Чек у ёққа 8 кунда

Яъни, бу ёш йигит қонунни бузмай, ўзининг бир қақасини ҳам сарфламай Африкада ишлаётган иккита йирик компаниянинг эгасига айланади. Тўғри, 1924 йилнинг июлида А.Рейс ҳисбга олиниб, икки ойга қамалади. Чунки «Амбако» ўз хўжайинини давлат кредитини бошқа мақсадларда сарфлаётганлиги айблаган, Нью-Йорк банки эса қолган 5000 долларни қайтаришини талаб қилган эди. А.Рейс зиддиятларни ҳал этиб, барча айбни ўзидан соқит қилиб, мушкул вазиятдан чиқиб кетди.

Банкнинг бошқа бир таъсисчиси Жозе Бандейра А.Рейсдан 14 ёш катта бўлса-да, ақлу фаросат бобида у қадар эмас эди. Аср бошида Бразилияга кетган Жозе босқинчилик, ўғирлик, чақичовчилик учун у ерда 7 йилга қамалади. Португалияга қайтган ҳам бир неча марта полиция терговига жалб қилинади. Лекин ҳар гал уни катта ер эгаси бўлиши қайтаришини талаб қилган эди. А.Рейс дипломат акаси кутқариб қолади. 1924 йили у Португалиянинг Гаагадаги бош консули бўлиб ишлар эди.

Таъсисчилардан ҳеч бири молиявий маълумотга эга эмасди. Ниҳоят, лицензия беришини рад этишга расмий сабаб топилмаган, уларга 1925 йил 15 июн куни банк ташкил этишга рухсатнома берилди.

Португалия банкдаги ҳужжатлардан янги банкнинг устав жамғармаси қай тарзда ва қайси пул ҳисобидан тўланишини мутлақо тушуниб бўлмади. Таъсисчиларнинг ҳеч бири қонуний йўл билан 20 миллион эскудога эга бўлишмаслиги аён эди. Лекин ҳаммасидан ҳам К.Родригесни А.Рейс янги банкнинг маблағларини Миллий банкнинг овоз бериш ҳўжжани бериувчи акцияларини яширинча сотиб олишга йўналтирилганлиги ташвишлантирарди. Бу «Амбако» билан боғлиқ трюкни такрорлашга уришилаётганидан дарак берар эди.

К.Родригес Миллий банк бошқаруви аъзоларини йиғиб, олинган маълумот ҳақида гапириб берди.

олингани ҳам хабар қилинган эди.

Ушбу фамилияларни ўқиб Адлия вазирига Венесуэланинг Португалиядаги элчиси граф Симон Пленес-Суарес мурожаат қилиб, улар билан Португалиянинг Гаагадаги бош консули Антонио Карлуш душ Сантуш орқали таниш эканини билдирди. Уларнинг илтимосига биноан у Нидерландиядан махфий материаллар солинган икки чамадон келтирганини, юк ҳозир унинг Лиссабондаги уйида эканини маълум қилди. Полициячилар 8 декабрга ўтар кечаси зудлик билан элчининг уйига бориб, «махфий материаллар»нинг 500 талик ял-янги банкнотлар эканини аниқлашди. Дипломатик дахлсизлик ҳўжжидан фойдаланиб юки боғхона кўригидан ўтказмасдан мамлакатга келтиргани учун граф 200.000 эскудо ҳақ олиши кераклигини тан олди. Шу тариқа банкнотларнинг хориждан келтирилатганлиги тўғрисидаги тахминга яқун ясалди. Бундан ҳам қизиги А.Рейс ва А.Силва барчасидан хабардор эканлиги бўлди.

1925 йил 8 декабр куни Португалия банки бошқарувчиси Вазирлар маҳкамасининг йиғилишида терговнинг дастлабки натижалари хўсусида ахборот берди. Йиғилишида Адлия ва Ички ишлар вазирлари ҳам сўзга чиқиди. Умумий ҳўлосан икки оғиз сўзда ифодалаш мумкин эди: қип-қизил фитна. Венесуэла элчисини мамлакатдан чиқариб юбориш, Португалиянинг Гаагадаги бош консулини эса қачиринчи олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Эртасигаёқ Европадаги йирик газеталар болшевиклар озод мамлакатлар иқтисодийётига таҳдид солаётгани тўғрисида дунёга жар солишди. Хўсусан, Британияда чиқадиган «Daily telegraf» биринчи саҳифасида «Россияда тайёрланган сохта португал банкнотлари» сарлавҳали мақола эълон қилди. Газеталар сохта пуллarning чиқарилишини СССРнинг бу-

тунжаонинкйоблибни амалга оширишга уриниши деб баҳолаган. А.Рейс ва бошқалар эса Кремлнинг жосуслари деб кўрсатилган эди.

«Кремлнинг фитниси» ҳақидаги тахмин уша кунийёқ йўққа чикди. Текширув ўтказиш учун Лиссабонга келган инглиз эксперти бир-бирига мос номерли барча купюралар ҳақиқатан ҳам битта пластинада тайёрланганини маълум қилди. Шу тариқа босмахона ускуналаридан такроран фойдаланиш тўғрисидаги дастлабки тахмин тасдиқланди. Бироқ пластиналарни Лондонда сақлашда давом этишди. 9 декабр куни эрталаб Португалиянинг Британиядаги элчиси полковник Жозе душ Сантуш Лукаш В.Ватерлоунинг Винчестер қўчасидаги 13-уйда жойлашган идорасига келиб, кўнгилни хижил қилиб келаётган тахминга яқун ясалди. Бундан ҳам қизиги А.Рейс ва А.Силва барчасидан хабардор эканлиги бўлди.

1925 йил 8 декабр куни Португалия банки бошқарувчиси Вазирлар маҳкамасининг йиғилишида терговнинг дастлабки натижалари хўсусида ахборот берди. Йиғилишида Адлия ва Ички ишлар вазирлари ҳам сўзга чиқиди. Умумий ҳўлосан икки оғиз сўзда ифодалаш мумкин эди: қип-қизил фитна. Венесуэла элчисини мамлакатдан чиқариб юбориш, Португалиянинг Гаагадаги бош консулини эса қачиринчи олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Эртасигаёқ Европадаги йирик газеталар болшевиклар озод мамлакатлар иқтисодийётига таҳдид солаётгани тўғрисида дунёга жар солишди. Хўсусан, Британияда чиқадиган «Daily telegraf» биринчи саҳифасида «Россияда тайёрланган сохта португал банкнотлари» сарлавҳали мақола эълон қилди. Газеталар сохта пуллarning чиқарилишини СССРнинг бу-

(Давоми келгуси сонда).
Интернет хабарлари асосида
ХАНОН НИШОНОВ тайёрлади



ФАХРИЙЛАР ФАХРИМИЗ



Куни кеча прокуратура фахрийси Имом Норов кутлуғ 80 ёшга қарши олди. Меҳмонлар отахонни муборак ёши билан табриклаб, энг эзгу истаklarини билдиришди. Яқинлари, дўстлари кўршовида ўтган Имом Норов шу кунларга етказганига шукрона айтиб, умр йўлини яна бир бор ҳақдан ўткази бошлади.

Ҳалол меҳнат инсон зийнати

1925 йилнинг қиш чилласида этигича лойга ботиб, далага сув қўяётган Норбек амакисининг ўғли Йўлдошбек йўқлаб келди.

— Ха, Йўлдошбек, тинчликми?
— Амаки, тез уйга бораркансиз. Уйга қўп меҳмонлар келди.
Норбек кетмонини ариқ ёқасига қолдириб, ҳовлиси томон йўл олди. Меҳмонлар ким экан, нимага келган бўлиши мумкин деб ўйлаб кетаётганда олдида қайнотаси Абдулла болан чириб қолди.
— Ота, тинчликмикан ишқилиби?
— Билмадим, ўғлим, борганда кўраммиз-да.
Норбек қайнотаси билан минг бир хавотирда ҳовлига кириб борганида уларнинг олдида амакисининг қизи Раҳимахон югуриб чиқиб, Абдулла отадан суюнчи сўради. Норбек Қодиров ўғили бўлган экан. Яхши ниятлар билан унга Имом деб исм қўйишди.

1937 йил. Имом Норов мактаб-интернат ўқувчиси. Қишлоқдан келганига эндигина бир ой бўлган Имом дарсларни ўзлаштиришда жуда қийналарди. Қишлоқда ўқиш савияси пастлиги, ўқитувчилар етишмагани учун анча орқанда қолиб кетганди. Бир куни уни директор чақирди.

— Биз онангни чақирдик. Дарсларни ўзлаштиришда орқанда қолаёсан. Шунинг учун сени интернатда олиб қолмаймиз.
Шунда Имомнинг онаси йўқлаб директорга ялина бошлади: «Боламни қишлоқ мактабида ёмон ўқитишган. Энди яхши ўқийди. Илтимос, синаш шарти билан қолдириш».

Имом учун иккита йўл қолганди. Ё яхши ўқиб шу ерда қолиш, ё...
У тинимсиз ўқиди. Хатини чиройли қилиш учун кечалари туман газетасидаги мақолаларни кўчириб, маш қилди. Аъломчи ўқувчилар билан танишиб, билмаганини сўраб ўрганди. Қийинчиликларни мардона енгиб, аълочилар сафидан жой олди.

1948 йил. Имом Норов Тошкентдаги икки йиллик ҳуқуқшунослик мактаби талабаси. Урушдан кейинги йиллар эмасми, нон етишмас, мактабдан кунига 500 граммдан нон беришарди. Баъзи кунлари курсдошлари билан вокзалга бориб, вагонлардан юк тушириб, озми-кўлми пул топишарди.

1950 йил. Имом Норов ўқишни битириб Вобкент туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаш бошлади. Унга бир ояморда бўлган катта камомадни аниқлашни топиришди. Маълум бўлишича, ҳамма нарсадан хабардор бўлган оямор мудирини икки йилдан буён қочиб юрган экан. Бир кун тергов охирига етмаётган пайтда Имом Норовнинг олдида бир киши кириб келди: «Ука, кечирасиз, кечаси сўрамасдан олдингизга кириб келдим. Уша оямор мудирини мен бўламан. Сизни ҳақиқаттўй деб эшитдим. Мени нима қилсангиз ихтиёрингиз».

Бу биринчи иши бўлганлиги ва қидирувдаги шахонинг тўнда кириб келгани Имомни шошириб қўйди. Шундай бўлса-да, унга ўз ҳуқуқларини тушунтириб, афрофлича сўроқ қилди. Кейин қақчирганимда келарсиз деб рўхсат бериб юборди. Ниҳоят оямордаги камомад аниқланди ва айбдорлар жазоланди.

1951 йил. Имом Норов Ромитан прокурори лавозимида иш бошлади. Аввало ишда тартиб-интизомни яхшилади. Прокуратуранинг янги бинога кўчирди, ишга маъсулликсиз ёндашаётган ходимларга қаттиққўл муносабатда бўлди. Урушдан кейинги даврда нон, галла етишмаслиги оқибатида халқ ночор ҳолга тушиб қолганди. Шунда Имом Норов бўш ерларга галла экишни буюради. Бундан аниқланган туман раҳбари эътироз билдиради: «Сиз пахта экилиб келган ерларга мenden сўрамасдан галла экишга рўхсат берибсиз». Бунга жавобан Имом Норов: «Сиз қорнингиз оч бўлса қандай ишлайсиз, халқ оч бўлса, қайси юз билан далага чиқиб ишла деб айтасиз», — дейди. Бу гапдан кейин туман раҳбари унинг тўғри иш қилганини англаб етди.

1965 йил. Навоий тумани прокурори бўлиб ишлаб юрган Имом Норовни Бухоро шаҳар прокурори этиб тайинлашди. Орадан тўрт йил ўтиб, Навоий шаҳар прокурори бўлди.

1985 йил. Имом Норов пенсияда. Қўлаб невараларнинг савимли бобоси. Пенсияга чқидим деб ўтириб қолгани йўқ. Узининг қўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, шогирдларига қўлдан келганича ёрдам бериб келмоқда.

Фозил НИШОНОВ,
«Нуқуқ» мухбири



ТАРҒ ИВОТ

Ҳуқуқий тарбия

— Аҳоли ўртасида ҳуқуқ тарғиботини шакллантириш, қонунларни тушунтириш ва шарҳлашга эътибор қаратиш фаолияти-мизда муҳим ўрин тутди, — дейди Кармана туман прокурори Салом Самадов. — «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини таллабларини амалга оширишда тумандаги қорхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлири ва маҳалларда аҳоли билан суҳбат ва учрашувлар уюштирилмоқда.

Шу кунгача 400 га яқин тадбирлар ўтказилиб, ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланилди.

Ушбу йўналишда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, натижаси туман прокурори ҳузуридаги тезкор иигилишларда муҳокама қилинади. Шунингдек, ҳафта давомида ходимларни жаҳон ва республикамиз микёсида рўй берган муҳим иқтисодий-сиёсий воқеалардан воқиф этиш мақсадида маданий-маърифий, сиёсий



ўқув соатларини ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Р.РАУПОВ,
журналист

Суратда: Кармана туман прокурори С.Самадов навбатдаги тадбир режасини муҳокама этмоқда.



ФОТОАҲВОМА



Гулистон деганда беихтиёр кишининг кўз олдида гуллаган боғлар, чаманзор, зилол суви ариқлар келади. Лекин сиз тасвирларда кўраётган манзаралар Сирдарё вилоятининг айни кунларда исми жисмига мос бўлмаётган маркази — Гулистон шаҳрида суратга олинган.

Мирзачўли ўзлаштириш жараёнида ишга туширилган дренаж насосларининг носозлиги, ёпик ва очик коллекторларнинг ўз вақтида тозаланмаганлиги ва назорат қилинмаганлиги сабабли мазкур нохуш манзаралар юзага келмоқда. Бу каби манзарани шаҳарнинг 1,2 мавзелари, маҳалла қисмида ҳам кузатиш мумкин.

Ёнгирчиликлардан кейин юзага келган сизот сувларнинг шу ерда мавжуд мел қатлами ўтказмаслиги сабабли улар айниқса кўп қаватли уйлар подвалларини тўлдириб сантехника қувурларини ишдан чиқармоқда. Натижада иссиқ сув қувурлари чириб, ёрилиб чивин ва пашшалар кўпайишига олиб келмоқда. Ўз навбатида бу турли эпидемик касалликларни юзага келтирмаслиги ким қафолат беради!

Шаҳар аҳолиси кишин-ёзин пашшалардан сақланиш учун пашахоналардан ёки Россияда ишлаб чиқарилган «РАЙД», «РАПТОР» каби воситалардан (кимёвий) фойдаланишга мажбур.

Ўтиш даври шароитида ҳамма ҳам ҳўжалик ҳисобидидаги кимёвий ишлар берувчи тиббиёт тузилмаси хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас!

Муҳаммад КАРИМ,
Ўзбекистон ижодкор журналистлар уюшмаси аъзоси



HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdulloliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abdulhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jabongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALLIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Maxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farglanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chib olinganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 62. 18450 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: J.MAKSUMOV
Musahihchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonani manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta haftaning chorsanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda